



O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Vatanga va xalqqa sadoqat bilan xizmat qilish – oliy burchimiz!

Postda На посту

2023-yil
2-fevral
payshanba

№ 5 (4595)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqqan boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

ВАТАНПАРВАР ОНАЛАРИМИЗНИНГ ЖАСОРАТИ БИЗ УЧУН ИБРАТ

– дейди «Тўмарис» кўкрак нишони соҳибаси, сафдор Ирода Караева

Аввал хабар қилганимиздек, «Тўмарис» кўкрак нишони Президентимиз қарорига мувофиқ, Ўзбекистон мудофаа қудратини юксалтириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асрашга муносиб ҳисса қўшаётган аёл ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида таъсис этилган эди. 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини байрами арафасида эркак ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда елкама-елка хизмат қилаётган бир гуруҳ аёллар илк бора «Тўмарис» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Улар орасида Самарқанд вилояти ИИБ ЖХХ бўлинмалари ЖТСБ Муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш маркази катта назоратчиси, сафдор Ирода Караева ҳам бор.



2



УШБУ СОНДА:

«УЧ
ҚАХРАМОН»НИ
ИЗЛАБ...



8

ВЗЯТКА –
НЕ РЕШЕНИЕ
ПРОБЛЕМЫ



9



Сиз кутган учрашув

ЎҚИТОҒ(СИ)
ҲАЁТНИ
ТАСАВВУР
ҚИЛИШ
ЎЎЛМАЙДИ



17



Тўмарис издошлари

ВАТАНПАРВАР ОНАЛАРИМИЗНИНГ ЖАСОРАТИ БИЗ УЧУН ИБРАТ

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

– Кўкрак нишонини қабул қилиб олар эканман, Ватан ҳимояси, унинг осойишталигини кўз қорачиғидек асраш йўлида жисму жони, шаъни, ҳатто фарзандини ҳам аямаган Тўмарисдек ватанпарвар оналаримизнинг буюк жасоратини яна бир бор қалбан ҳис этдим, – дейди сафдор Ирода

қаричини эъзозлаш, ардоқлашдек эзгу амаллар келгуси авлодларга ҳам бус-бутун ўтсин.

Зиёли оилада улғайган Иродада ёшлигидаёқ ички ишлар органларида хизмат қилиш иштиёқи кучли эди. Самарқанд вилояти ИИБ академик лицейида таҳсил олиши, спортнинг кикбоксинг тури билан

хизматга қабул қилинди.

Марказга олиб келинганларнинг кечмиши жиноятга қўл уришдан бошланса, жазони ўтаб, озодликка чиққач, уйига қайтмай, кўчада қолишга қадар давом этган бўлади. Шундай шахсларнинг саломатлигини тиклаш, бандлигини таъминлаш, оиласи, яқинлари бўлса, уларни ўз уйларига қайтариш борасида ҳам тегишли тартибда ўрганишлар олиб борилади. Бунда бир қатор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорлик ўрнатилган. Пировард мақсадимиз эса уларни жамиятга қайтаришдир.



– ЗИММАМДАГИ ХИЗМАТ ВАЗИФАЛАРИМ НАФАҚАТ Тўғри ва сифатли бажаришни, балки одамийлик нуқтаи назари билан фикр юритишни ҳам тақозо этади, – дейди қаҳрамонимиз. – АСОСАН МАРКАЗГА ОЛИБ КЕЛИНГАН ХОТИН-ҚИЗЛАР БИЛАН ИШЛАЙМАН. УЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИДА ЎЗИГА ХОС ТАҚДИРЛАР БИЛАН ТАНИШАМАН. КИМЛАРДИР ТУРМУШИ ҲАЁТНИНГ КУТИЛМАГАН ЗАРБАЛАРИ ТУФАЙЛИ ИЗИДАН ЧИҚИБ КЕТГАНИДАН КУЙСА, БОШҚАСИ УМР Йўлларидаги чигалликларда ўзининг ҳам айби борлигини тушуниб етиб, АФСУС ЧЕКАДИ.

Караева. – Бу нишонни шунчаки тақиб юриб бўлмайди, балки эндиликда ушбу эътирофга муносиб хизмат қилишим керак. Токи, бизларга аждодлардан мерос маконнинг ҳар

шуғулланиши уни кўнглига туккан орзулари сари янада яқинлаштирди. Тўғрироғи, у барча синовлардан муваффақиятли ўтиб, 2017 йилда шаходатланган ходима сифатида

Ҳар бир сўзида шу азиз Ватан, юртдошлари тақдирига дахлдорлик, ўз бурчига садоқат туйғуси уфуриб турган қаҳрамонимизнинг машаққати бисёр касбида фидойилик, жонкуярлик билан фаолият юритаётгани бугун мамлакатимизда «Инсон қадрини унун», деган эзгу тамойил асосида олиб борилаётган ислохотларга

ҳамоҳангдир. Қолаверса, Ирода Караева сингари ходималаримизнинг кўксини безаган ушбу нишон, уларнинг қалбида, онгу шуурида Тўмарис шижоати бўлиб буй кўрсатаётганига ишончимиз комил.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.
Замира БОЛТАЕВА
олган суратлар.
Самарқанд вилояти.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

ТАЛАБАЛАР Кўмакдоши

...Наманган муҳандислик-қурилиш институти профилактика инспектори лавозимида хизмат фаолиятини бошлаган капитан Воҳиджон Абдиқодировни олийгоҳ жамоаси илиқ кутиб олди. Унга институт ҳудудидан хизмат хонаси ажратилиб, барча зарур шароитлар яратиб берилди.



Ўтган йилнинг октябрь ойида мазкур лавозимга тайинланган капитан Воҳиджон Абдиқодиров дастлаб ишни ўрганишлардан бошлади. Сўнгра амалга ошириши

лозим бўлган вазифаларни белгилаб олди. Шунга кўра, талабалар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот ишларини ку-

“

– ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИМНИ БОШЛАГАНИМДАН БУЁН ТАЛАБАЛАР ТОМОНИДАН БИРОНТА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИЛМАДИ, – ДЕЙДИ КАПИТАН В. АБДИҚОДИРОВ. – БУНДА, АЛБАТТА, ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ, ИНСТИТУТ ЖАМОАСИНИНГ ҲАМ ҲИССАСИ КАТТА. ТУНГИ ВАҚТДА ҲАМ ТАРТИБ-ИНТИЗОМНИ САҚЛАШ МАҚСАДИДА МЕНГА ТАЛАБАЛАР ТУРАРЖОЙИДАН БАРЧА ШАРОИТЛАРГА ЭГА ХОНА АЖРАТИЛГАН. 9 ҚАВАТЛИ ТУРАРЖОЙДА 800 НАФАР ТАЛАБА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАДИ. ҲАР БИР ҚАВАТГА ЎРНАТИЛГАН КУЗАТУВ КАМЕРАЛАРИ ХОНАМГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНГАН. БУ ТАЛАБАЛАРНИНГ ЮРИШ-ТУРИШИДАН ХАБАРДОР БЎЛИШИМДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.

чайтирди. Жиноят қилишга мойил ва муқаддам судланган талабалар билан яқка тартибда профилактик суҳбатлар олиб борди. Унинг бу саъй-ҳаракатлари институт раҳбарияти томонидан ижобий баҳолашиб, қўллаб-қувватланди. Албатта, яхши иш ташкил этилган жойда самара ҳам бўлади.

Дарвоқе, қаҳрамонимиз фаол ва аълочи талаба йигитлардан иборат «Қалқон» гуруҳини ташкил этган. Ҳар бир қаватга сардор этиб тайинланган гуруҳ аъзолари талабалар тураржойида осойишталикни таъминлашда профилактика

инспекторига беминнат кўмакчи бўлиш билан бирга, турли кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақаларини ўтказишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Ҳозирги вақтда таълим даргоҳида 9317 нафар талаба таҳсил олмақда. Воҳиджон уларнинг энг яқин кўмакдошига айланган. Бунда талабалар тураржойи раҳбари, истеъфодаги майор Ҳусниддин Низомовнинг ҳам ҳиссаси катта. У профилактика инспекторига маслаҳатлар бериб, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиб келади.

Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,
«Postda» мухбири.



Юксак мукофот соҳиблари

«ҲАЛОЛ ХИЗМАТИМ БИЛАН ОҚЛАЙМАН»

Вилоят ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ЙПХ инспектори, сафдор Элёржон Қурбонов учун Ватан җимоячилари куни қўшалок байрамга айланди. Сабаби, у байрам арафасида Президентимиз фармонида кўра, «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

Фарғона вилоятининг Кува туманида туғилиб ўсган Э.Қурбонов фаолиятини 2006 йили ёнғин хавфсизлиги хизматида бошлади. 2016 йили йўл-патруль хизматида ўтди. Шундан буён унинг фаолияти йўллар ва ҳайдовчилар билан чамбарчас боғланди. Қаерда, қайси ҳудудда хизмат қилмасин, биринчи галда, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг йўлда ҳаракатланиш маданиятини оширишга интилиб келмоқда.

Унинг бевосита саъй-ҳаракати билан кўплаб рўй бериши мумкин бўлган автоҳалокатларнинг олди олинди. Муқаддам жиноят содир этиб, қидирувда бўлган бир неча шахс ушланди.

– Мақсадимиз қоидабузарликни аниқлаб, ҳайдовчини жазолаш эмас, – дейди лавҳамиз қаҳрамони. – Аксинча, йўл-ҳаракати қоидаларига риоя этишни тарғиб қилиб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишдан иборат. Шахсан мен қай бир ҳайдовчи билан мулоқот қилсам, аввало, унга ҳайдовчилик маданиятини эслатаман. «Йўл қоидаси – умр фойдаси» эканини ёдига соламан. Албатта, юксак мукофот менга куч, катта рағбат берди. Билдирилган ишончни ҳалол хизматим билан оқлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Шу кунларда Элёржон Қурбоновнинг оиласида хурсандчилик давом



этноқда. Меҳмонларнинг қадами узилмайди. Ота-онаси ва яқинларининг қувончини айтмайсизми? Қаҳраонимизнинг телефони эса табриклар, кутловлардан бир зум тинмайди. У эса қўнғироқларга эринмай жавоб қайтариб, ҳаммани ҳам шундай кунларга етказсин, дейди...

Абдусодик СИДИҚОВ,
«Postda» мухбири.

Фарғона вилояти.

Китоб — билим манбаи



Хоразм

Китоб мутолааси инсоннинг маънавий дунёсини бойитишда муҳим аҳамиятга эга.

Вилоят ички ишлар органларида хизмат қилаётган бир гуруҳ хотин-қизлар Урганч шаҳридаги «Ёшлар кутубхонаси – билим хазинаси» масъулияти чекланган жамиятига қарашли «Зиё маскани»даги кутубхонага аъзо бўлиб, ўз билимларини янада бойитмоқдалар.

Муносабат

БОР КУЧ ВА ҒАЙРАТИМИЗНИ ИШГА СОЛАМИЗ

Президентимизнинг жорий йил 20 январдаги «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичи сифатида муҳим воқеа бўлди.

Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари, хусусан, Малака ошириш институтида узлуксиз ўқув-карьерга тизими асосидаги ўқув курсларида мазкур қарор билан тасдиқланган Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси бўйича ўқув дастурларига модул киритилиши белгиланди.

Шунингдек, қарорга кўра, ички ишлар органларига хизматга биринчи марта қабул қилинган ходимлар ИИБ Малака ошириш институтида уч ойлик бошланғич касбий тайёргарлик курсларини муваффақиятли тамомлаганидан сўнг тегишли лавозимга тайинланиши бир қатор муаммоларнинг тўғри ечими бўлди.

Шу кунга қадар ички ишлар органларига янги қабул қилинган ходимлар тўғридан-тўғри лавозимга тайинланиб, айрим ҳолатларда ходимлар уч йилгача амалиётда ишлаганидан сўнг Малака ошириш институтида бошланғич касбий тайёргарликдан ўтар эди. Бу эса ёш ходимларнинг керакли назарий билимларни олмасдан ва амалий кўникмалар ҳосил қилмаган ҳолда, лавозимларга тайинланиши, уларнинг амалиётда турли муаммоли ва зиддиятли вазиятларга тушиб қолишига асосий сабаб бўлиб келган.

Эндиликда, маънавий-маърифий ишларни «таълим муассасасидан хизматнинг охирига қадар» тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ва таъ-

сирчанлиги оширилмоқда. Қолаверса, ички ишлар органлари ходимларида мулоқот психологияси ва муомала маданияти ҳамда ностандарт вазиятларда руҳий барқарорликни сақлаш бўйича зарур кўникмалари шакллантирилиши кадрлар салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмалари ходимларини «Фуқаролар билан ишлаш модули» бўйича узлуксиз ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш назарда тутилган. Бунда Малака ошириш институтида дастур асосида ходимлар ҳар уч йилда бир марта ўқитилиб, махсус синовдан ўтказилиши ҳамда синовларни муваффақиятли топширган ходимларга келгусида ушбу соҳада хизмат қилиш ҳуқуқини берувчи сертификат топширилиши уларда шахсий масъулиятни янада оширади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадри учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришишда бор куч ва билимларимиз сафарбар этилади.

Олимжон АҲМЕДОВ,
ИИБ Малака ошириш институти бошлиғи,
т.ф.н, доцент,
полковник.





Награжденные Родиной

ОБРАЗЕЦ ДЛЯ ПОДРАЖАНИЯ



Подполковник Комил Бобоев отдал службе в органах внутренних дел более двадцати семи лет, но не перестает работать над собой, продолжает оттачивать мастерство.



Окончив Бухарский государственный университет в 1996 году, он начал службу в должности инспектора службы по работе с личным составом УВД Бухарской области, где прослужил многие годы.

В настоящее время Комил Бобоев занимает должность заместителя председателя Бухарского областного совета ФСО «Динамо».

Герой активно участвует в организации мероприятий, проводимых среди сотрудников правоохранительных

органов, ведет активную общественную деятельность. Он не жалеет сил и времени на развитие физкультурно-спортивного общества. На данный момент в «Динамо» функционируют 26 кружков, в которых занимаются около 5 880 человек. В ФСО представлены 18 видов спорта, 2 253 сотрудника правоохранительных органов повышают свое мастерство.

– Представители наших команд принимают участие в республиканских и междуна-

родных спортивных соревнованиях, пятеро из них – мастера спорта международного класса, 11 – мастера спорта и 80 – кандидаты в мастера спорта. Мы побеждаем во многих турнирах, которые проводятся в Азии и мире. Среди победителей – мастер рукопашного боя Жахонгир Жумаев, боксеры Улугбек Мубинов, Сардор Ёрмухамедов, Азизжон Маматов, самбисты Илгор Асадов, Нурбек Тураев, Умиджон Абдуллаев, – говорит подполковник К. Бобоев.

Герой очерка – требовательный руководитель. Он привлекает молодежь в спортивные секции, в том числе по армрестлингу, вольной борьбе, греко-римской борьбе, троеборью, стрельбе из лука, конному спорту, футболу, волейболу, мини-футболу, легкой атлетике.

Наш герой, благодаря трудолюбию, знанию дела, завоевал уважение коллег и учеников. Его доблестный труд получил заслуженное признание руководства.

В связи с 31-й годовщиной образования Вооруженных Сил Республики Узбекистан и Днем защитников Родины подполковник Комил Бобоев был награжден медалью «Содиқ хизматлари учун».

Мирзокул АХАДОВ,
корреспондент «Postda».
Бухарская область.

■ Сырдарьинская область



В Сырдарьинском филиале Института повышения квалификации МВД Республики Узбекистан начались учебные сборы по переподготовке и повышению квалификации сотрудников отраслевых служб.

В процессе обучения особое значение придается повышению уровня интеллектуальных знаний, духовно-нравственной культуры, профессиональных навыков.

В целях повышения эффективности профилактики правонаруше-

ний, раскрытия преступлений, обеспечения общественной безопасности, защиты прав, свобод и законных интересов граждан проводятся лекции, семинары, тренинги, круглые столы.

Обиджон СУЯРОВ,
майор.



*Сотрудникам за-
прещается осу-
ществление своих
должностных полномо-
чий в интересах политических
партий, общественных объедине-
ний и их органов.*

*(Из Кодекса профессиональной культуры
и служебной дисциплины сотрудников
органов внутренних дел).*



Отклик

ЦЕЛЬ – УЛУЧШИТЬ УРОВЕНЬ ПОДГОТОВКИ



В постановлении Президента «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением» говорится о важности регулярных занятий спортом.

Прежде всего должна быть разработана концепция организации физической и боевой подготовки. Исходя из особенностей деятельности по обеспечению общественной безопасности и борьбы с преступностью должна быть внедрена система непрерывного повышения уровня боевой и физической подготовки личного состава. Этот процесс нужно контролировать, принять новые критерии оценки и в соответствии с ними оценивать уровень организации региональных сборных команд и спортивных секций по отдельным видам спорта (рукопашный бой, самбо, борьба). С целью повышения уровня боевой и физической подготовки сотрудников областных и отраслевых подразделений ОВД предусматривается проведение соревнований среди сотрудников и членов их семей, что будет способствовать повышению интереса к спорту в целом.

Один из важных аспектов – участие сотрудников в национальных и международных спортивных соревнованиях, во Всемирных играх полицейских и пожарных. В качестве поощрения, сотрудники, имеющие среднее или среднее специальное образование, достигшие высоких результатов в спорте, показавшие отличную профессиональную подготовку, допускаются к обучению в Академии МВД, по заочной форме обучения, без отбора.

Хусниддин КУРБАНОВ,
командир МООН УВД
Самаркандской области,
подполковник.





Фахрийлар – фахримиз

ЭЛДА ЭЪЗОЗ ТОПИБ

Орамизда ўзининг фидойи меҳнати билан элда эъзоз топаётган инсонлар жуда кўп. Улардан бири истеъфодаги майор Шарифбой Матназаровдир.



Лавҳамиз қахрамони пенсияга чиққанига 35 йилдан ошган бўлсада, ҳамон сафда. Аниқроғи, бу меҳнатсевар инсон айна кунда Богот тумани ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси сифатида қатор хайрли ва ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Тошкент олий милиция мактабини тамомлаган Шарифбой Матназаров ўттиз йил Хоразм вилояти ИИБ давлат автомобиль назорати бўлимида турли лавозимларда самарали хизмат қилди. Ҳаётини юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлаш, йўл транспорти билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга бағишлади. Тажрибали раҳбар, устоз-мураббий сифатида кўпчиликнинг меҳрини қозонди.

– Шарифбой отадаги шижоатни, интилишни кўриб, очиғи, у кишига жуда ҳавасим келади, – дейди вилоят ИИБ бошлиғининг маслаҳатчиси, истеъфодаги полковник Рустам Раҳимов. – У бир зум ҳам тиниб-

тинчимайди. Айниқса, фахрийлар иштирокидаги ҳар бир тадбирда фаол иштирок этади.

Яқинда истеъфодаги майор Шарифбой ота Матназаров 85 ёшни қаршилади. Шу куни бу фидойи инсоннинг хонадонига вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Муҳаммаджон Отабоев ҳамда Фахрийлар кенгаши фаоллари ташриф буюрди. Меҳмонлар ота-хоннинг юртимиз осойишталигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашишдаги фидойи хизматини алоҳида эътироф қилиб, унга салимий тилаклар билдиришди ва вилоят ИИБ бошлиғининг табрикомаси ҳамда эсдалик совғаларини топширишди. Шарифбой ота ҳам, ўз навбатида, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик учун миннатдорлик билдирди.

Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.



Ҳалолликни шиор қилган ходимлар

ЙЎЛИ БУЗУҚНИНГ ЁҚАСИ ЙИРТИҚ

Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани «Гозғонтепа» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи А. Т. ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. У ўғрилиқ, фирибгарлик, шунингдек, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланиш жиноятини содир этди.

Табиийки, бундай киши охир-оқибат жазосини олади. А. Т. билан ҳам шундай бўлди. 2021 йил июнь ойида унга нисбатан 3 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланди. Аммо у хулоса чиқариш ўрнига, суд томонидан белгиланган чекловларни буза бошлади. Қонун ҳимоячиси ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатларни расмийлаштириб, А. Т.дан тушунтириш хати олди.

Вазиятнинг бундай ривожи ҳам уни сергак торттирмади. Аксинча, маҳкум яна икки марта чекловни бузгани аниқланди. Бу ҳолат эса жазонинг оғирроғига алмаштирилишига сабаб бўлади. Иши «чаппа кетаётгани»дан хавотирланган А. Т. Шароф Рашидов тумани ИИБ пробацция гуруҳи инспектори, капитан Акмал Абдусатторовга 500 АҚШ доллари миқдоридан пора таклиф

қилди. Бунинг эвазига ходим қонундабузарлик юзасидан судга тақдимнома киритмаслиги керак эди.

Капитан маҳкумни бундай хатти-ҳаракат оқибатлари ҳақида бир неча маротаба огоҳ этди. У бўлса, қонун бузиш учун чиқарилишию бу дунёда ҳалол инсон йўқлиги тўғрисида фалсафа сўқий бошлади. Шундан сўнг капитан А. Абдусатторов ҳолат юзасидан вилоят ИИБ раҳбариятига ахборот берди.

Кўп ўтмай ИИБ Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси Жиззах вилояти бўйича бўлими ҳамда Шароф Рашидов тумани прокуратураси ходимлари ҳамкорлигида тезкор тадбир ўтказилди. Капитан А. Абдусатторовга «ваъда» қилинган 500 АҚШ долларининг бир қисми сифатида 3 миллион сўм берган А. Т. ушланди.

Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзга ташланди. Қонунни писанд қилмайдиган, қинғирликни касб қилган бу шахсни эндиликда озодликни маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо кутмоқда.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
«Postda» мухбири.

Жиззах вилояти.



Чоршанба – саломатлик куни

СОҒЛОМ ХОДИМ – САМАРАЛИ ХИЗМАТ

Ички ишлар органлари шахсий таркиби ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, касалликларни эрта аниқлаш, малакали ташхис қўйиш ва тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида тиббий профилактик тадбирлар ташкил этилмоқда. «Соғлом ходим – самарали хизмат» тамойилига асосланган тиббий профилактик тадбирлар доирасида вазирлик тизимида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни «Саломатлик куни» деб белгиланиб, ИИБ Марказий поликлиникаси ва ҳудудий тиббиёт бўлимлари томонидан «Саломатлик патрули» бригадалари шакллантирилган. Уларда юрак-қон томир, қандли диабет, семизлик ва унга сабаб бўлувчи бошқа эндокрин тизими ҳамда моддалар алмашинуви касалликлари билан боғлиқ диспансер назоратига олинган ходимлар соғлиғи кузатиб борилиши, электрокардиография (ЭКГ), зарур ҳолларда бошқа текширувлардан ўтказиш орқали кўшимча равишда профилактик тиббий кўриклар ташкил этилиши йўлга қўйилди.

– Ўтган йилнинг тўрт ойи мобайнида ИИБ Марказий поликлиникаси ва ҳудудий тиббиёт бўлимлари шакллантирган «Саломатлик

патрули» бригадалари томонидан ўтказилган кўшимча профилактик тиббий кўриклар вақтида 10683 нафар ходим текширувдан ўтказилди, – дейди ИИБ Тиббиёт бошқармаси бошлиғи, подполковник Шуҳрат Нишанов. – Турли ка-



салликлар аниқланган 1430 нафар ходимга стационар ва амбулатор шароитда даволаниш бўйича тавсиялар берилди. Аввалдан диспансер кузатувида турган ходимларда мавжуд касалликлар авж олиб кетишининг олдини олиш

мақсадида шифокорлар томонидан тегишли реабилитация тадбирлари белгилаб берилди. Шунингдек, тиббий кўриклар давомида хавф гуруҳига кирувчи ташхислар аниқланган 275 нафар ходимга кейинги хизматга яроқлилигини аниқлаш мақсадида ўрнатилган тартибда ҳарбий-тиббий комиссиядан ўтказиш белгиланди.

Инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, унинг сиҳат-саломатлиги зиммасига юклатилган вазифаларни бекаму кўст адо этишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади. Чунки жисму жони дард билан оғриган кишининг вужуди хасталикнинг аломатларидан озор чекади. Бундан аёнки, доимо халқ орасида, элимиз осойишталигини таъминлашдек мақсад билан турли соҳавий хизматларда жонбозлик кўрсатаётган ички ишлар органлари ходимларининг саломатлигига эътибор қаратиш замирида ҳам уларнинг масъулияти оғир, вазифалари залворли хизматини ҳар жиҳатдан тўлиқ бажаришини таъминлашга қаратилган эзгу мақсад мужассам.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.



Ходимлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиши ва унинг профилактикасига фаоллик билан кўмаклашиши шарт.

(Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексидан).

✓ *Пример для молодежи*

БОГАТСТВО БАТЫРХАНА

Старший сержант Батырхан Юнусов работает инспектором отдела миграции и оформления гражданства в УКД ОВД Яккасарайского района столицы и учится в Академии МВД Республики Узбекистан на заочной форме обучения.



очерка получил ножное ранение, спасая девушку от восьмерых пьяных дебоширов.

Батырхан Ертаевич не теряет бдительности и в должности инспектора отдела миграции и оформления гражданства, срабатывает годами выработанное чутье. Как-то на прием пришел мужчина, хотел получить загранпаспорт. Все документы были в порядке, но что-то в его поведении насторожило инспектора. Он сделал запрос в Информационный центр МВД и УУР ГУВД города Ташкента. Выяснилось что мужчина – матерый рецидивист, на счету которого несколько тяжких преступлений. Он числился в розыске и

благодаря оперативности старшего сержанта был своевременно задержан.

– Батырхан Юнусов пользуется в коллективе большим уважением, отличается быстрой реакцией и умением все схватывать на лету. Он наставник молодых стражей порядка, которым передает опыт и навыки, помогает ценными советами, – говорит заместитель начальника отдела миграции и оформления гражданства УКД ОВД Яккасарайского района столицы лейтенант Саъдулла Азимов.

Своих детей герой очерка воспитывает в строгости. Старший сын, 15-летний Динмухамед, увлекается футболом, состоит в

футбольной команде клуба «Локомотив-БФК». 12-летняя дочь Дария с удовольствием посещает курсы английского языка и в дальнейшем мечтает объездить весь мир. Младшему, Асадбеку, всего год.

Супруга героя очерка, Фатима Джурабековна, работает медсестрой в семейной поликлинике № 31 Яшнабадского района города Ташкента. Она верный друг и заботливая жена.

Батырхан Юнусов считает, что настоящее богатство – это семья, которая ждет твоего возвращения после трудового дня, и любимая работа, приносящая радость.

**Бибигуль
МУРТАЗАЕВА.**

Примером для него был отец, Ертай Муратбекович, который всю жизнь проработал на Ташкентском авиационном производственном объединении имени В.Чкалова. Батырхан Ертаевич, уже сам папа троих детей, до сих пор советуется со своим отцом.

В органах внутренних дел герой очерка служит 18 лет. Начал службу в подразделении обеспечения безопасности на метрополитене, затем был старшим инспектором отдела пробаации, старшим

инспектором ППС ГУВД города Ташкента.

На счету Батырхана Юнусова – ряд раскрытых преступлений. Он не привык пасовать перед трудностями, всегда приходит на помощь тем, кто попал в беду. Так, во время одного из ночных дежурств герой



Сотрудники должны воздерживаться от ситуаций, ставящих под сомнение их беспристрастность, независимость и бескорыстность в отношениях с гражданами, а также ситуаций, ведущих к любому проявлению предпочтения, предвзятости или коррупции.

(Из Кодекса профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел).

✓ *Семейные ценности*

ИХ ОБЪЕДИНЯЕТ СЛУЖБА

– В ходе проведения профилактических мероприятий у одного из учеников школы № 35 города Андижана в кармане был обнаружен нож, – рассказывает инспектор-психолог отделения по вопросам несовершеннолетних УКД ОВД по городу Андижану старший сержант Мухайё Абдувалиева. – Парень растет в полной благополучной семье. На вопрос, зачем носил с собой нож, он ничего ответить не смог. Подросток поставлен на учет.

Старший сержант М. Абдувалиева курирует две школы: № 30 и № 35, расположенные в Старом городе областного центра. В общей сложности здесь обучаются около 4,5 тысячи детей.

– Профилактические мероприятия и беседы, чаще всего индивидуальные, играют вескую роль в предотвращении правонарушений и преступлений среди несовершеннолетних, – продолжает инспектор-психолог. – Выявляются несовершеннолетние, склонные к совершению правонарушений, изучаются их индивидуальные особенности и причины нравственной деформации, устанавливаются типичные кризисные ситуации в определенных возрастных категориях. Ребята вовлекаются во внеурочную дея-

тельность, под особый контроль берется индивидуальная работа с несовершеннолетними из неблагополучных семей.

Мухайё Абдувалиева – выпускница Андижанского государственного университета, пятикратный победитель чемпионата Узбекистана по боксу, призер Центральноазиатских игр в весовой категории до 60 кг.

Героиня очерка – заботливая жена и нежная мама. Вместе с супругом, Мансурбеком, который, кстати, тоже сотрудник органов внутренних дел и служит в конвойном взводе ППС, они воспитывают двух прекрасных дочерей: старшей, Самире, 5 лет, а младшенькой, Салихе, – три года. Пока они ходят в детский сад, но уже любят играть в стражей порядка



и ловить «преступников». Так что, возможно, девочки определяют для себя дальнейший путь, связанный с профессиональной деятельностью родителей, и через пару десятков лет сложится семейная династия Абдувалиевых.

Бытует мнение, что супругам сложно работать в одной сфере. Но Мансурбек и Мухайё так не считают и с легкостью ломают этот стереотип, доказывая: общее дело – гарант настоящего семейного счастья. Они пришли в профессию разными дорогами. В их семьях правоохранителей не было, но для

каждого этот выбор стал судьбоносным.

Несомненно, семьи сотрудников ОВД крепки, ведь супруги-сослуживцы могут с легкостью понять и объяснить поздние задержки на работе, командировки, дежурства, подъемы по «тревоге», потому работа в одной сфере лишь укрепляет семью.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».

На снимке: инспектор-психолог старший сержант Мухайё Абдувалиева в одной из школ.

Фото автора.
Андижанская область.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

МАҲСУЛОТ СИФАТИ – АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

Инсон саломатлиги унинг қандай озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишига бевосита боғлиқ. Шу боис сифат назоратини олиб бориш, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар тарқалишига йўл қўймаслик ва жойларда санитария-гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.



Бу борада Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖТСБ Карантин тадбирларини таъминлаш гуруҳи ходимлари томонидан мутасадди идоралар билан ҳамкорликда бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, биргина ўтган йилда деҳқон бозорлари, йирик савдо объектлари, ярмаркалар ва аҳоли яшаш пунктларида 349 марта профилактик тадбир ўтказилиб, 217 та ҳолатда ветеринария-санитария тартиб-қоидалари бузилгани аниқланди. Мазкур

ҳолатлар юзасидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди ва ҳуқуқбузарлар жаримага тортилди.

– Ходимларимиз савдо шохобчаларида маҳсулотларнинг сақланиши, санитария-гигиена талабларига амал қилиниши, сотувчиларнинг белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишини қатъий назорат қилиб борапти, – дейди Карантин тадбирларини таъминлаш гуруҳи командири, катта сержант Байрам Ибраимов. – Шунга қарамасдан, ўтган

йили ўтказилган тадбирлар давомида ҳужжатсиз ва истеъмолга яроқсиз, уй шароитида тайёрланган 376 кг озиқ-овқат, 184 литр сут, 672 кг тузлама

тида сақлаб келаётгани аниқланди. Ушбу ҳолат юзасидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, ҳайвон гўштлари ёқиш йўли билан йўқ қилинди.



маҳсулотлари савдога қўйилгани аниқланиб, улар тегишли тартибда йўқ қилинди.

Жорий йилда ҳам бу борадаги назорат ишлари давом эттирилиб, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар савдоси билан шуғулланиш ҳолатларининг олди олинмоқда. Мисол учун, яқинда гуруҳ ходимлари бошқа идоралар вакиллари билан ҳамкорликда Эллиққалъа туманида ўтказган тадбирда фуқаро М.А. ўзи яшаб турган уй молхонасида 372 кг эшак гўштини сотиш ния-

тан олиш керак, сўнгги йилларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Шундай экан, инсон саломатлигига ноҳўя таъсир кўрсатадиган сифатсиз маҳсулотлар сотилишининг олдини олиш, жойларда санитария-гигиена қоидаларига риоя этишини назорат қилиш муҳим шартлардан биридир.

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
«На посту» мухбири.



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

АСКАРЛАР УЧУН МОТИВАЦИЯ

Ҳозирги пайтда мустақил ҳаётга қадам қўяётган, Қуролли Кучлар сафида йигитлик бурчини ўтаётган ёшлар орасида ҳаётини ҳарбий соҳа билан боғлашни, келгусида Ватан ҳимоячиси бўлишни орзу қилаётганлар кўпчилигини ташкил этади. Шундай ниятлар билан ўқиб-ўрганаётган ёшларни бир савол қийнаши мумкин: қайси ҳарбий билим юрти ёки олий таълим муассасаси афзалроқ, қайсинисига ҳужжат топширсам мақбул?

Бу борада ҳарбий қисмларда ҳарбий билим юртлари ўқитувчилари ва курсантлари иштирокидаги учрашувлар айтиш мумкин. Хусусан, яқинда ИИБ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7261-ҳарбий қисмда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртининг 2-босқич курсанти Қ.Юсупбаев бир гуруҳ аскарлар билан суҳбат



қурди. Курсант аскарларга билим юртидаги таълим йўналишлари, у ерда яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумот берди. Билим юртига кириш учун нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, у ерни тамомлагандан сўнг

қаерларда хизмат қилиш мумкинлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам аскарларни бефарқ қолдирмади.

– Яқин кунларда юртимиздаги барча ҳарбий қисмларда муддатли ҳарбий хизматчиларга ўқишга киришда юқори балл берувчи тавсияномаларни олиш учун имтиҳонлар бошланади, – дейди ҳарбий қисм тарбиявий ва мафкуравий ишлар бўлими бошлиғи, капитан А.Бекназаров. – Бугунги учрашувимиз ана шу имтиҳонларга тайёрланаётган, келажакда ҳарбий бўлишни истайдиган аскарларга яхши мотивация бўлди.

– Соҳани танлашда иккиланиб тургандим. Бу учрашув бир қарорга

келишимга туртки бўлди, – дейди оддий аскар Хушнудбек Рейимбергенов. – Ҳарбий қисмда бўлиб ўтадиган имтиҳонга яхши тайёрланиб, тавсиянома олишни, Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ҳужжат топширишни мақсад қилдим. Насиб қилса, ҳарбий бўлиб, ҳаётимни шу соҳа билан боғлашни хоҳлайман.

Давра суҳбатида, шунингдек, миллий армия-мизнинг бугунги кундаги ҳолати, тизимда амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳақида ҳам сўз борди. Аскарлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Фозилжон
МАМАШАРИПОВ,
«Postda» мухбири.



Мурожаатни ўрганиб

«УЧ ҚАҲРАМОН»НИ ИЗЛАБ...



Тошкент – Чимкент автомобиль йўлидаги ЙПХ маскани халқимиз тилига «Уч қаҳрамон» ибораси билан анча сингиб кетган. Шу боис пойтахтнинг Юнусобод тумани Тошкент вилояти Тошкент тумани билан боғловчи йўлдаги ушбу ҳудудга ортиқча таъриф беришнинг ҳожати йўқ. Таҳририятимизга соҳа фахрийлари, кенг жамоатчилик томонидан мазкур ҳудуднинг «Уч қаҳрамон» номи билан аталишига қарамай, осойишталик посбонларига ўрнатилган ҳайкалнинг олиб ташлангани, айти пайтда, унинг қаерда эканлиги билан боғлиқ саволлар, мурожаатлар келиб тушди.



Тарихга бир назар

Бу мудҳиш воқеа 1988 йилнинг июнида эрта тонгда юз берган эди. Шаҳар чеккасидаги «Чимкент» постида навбатчилик қилаётган ДАН ходимларига қуролли жиноятчилар ҳужум қилишади. Бундан олдин ҳам кўплаб оғир жиноятлар, шу жумладан, қатор қотилликлар содир этган жиноятчилар шу тарзда яна қуролга эга бўлмоқчи эдилар. Қаттол жиноятчилар билан шафқатсиз олишувда Тошкент шаҳар ИИББ ДАНБ патруль-пост хизмати нозирлари – милиция старшиналари Олимжон Асқаров ва Муса Гашимов ўз жанговар постида ҳалок бўлишади. Қочишга уринган жиноятчилардан бирини тутиш пайтида патруль-пост хизмати нозирлари, милиция катта лейтенанти Маткарим Матчанов оғир яраланди ва касалхонада вафот этди.

МИЛИЦИЯ СТАРШИНАСИ
МУСА ГАШИМОВ

1950 йил 12 июлда Озарбайжоннинг Дзегам шаҳарчасида туғилган.

У хизмат фаолиятини 1973 йилда Тошкент шаҳар ДАН бошқармаси ЙПХ 2-алоҳида дивизиони инспекторлигидан бошлаган. 1987 йилдан ЙПХ полки 1-дивизиони инспектори лавозимида хизмат қилган.

Муса Гашимов хизматдаги ютуқлари учун раҳбарият томонидан кўп марта фахрий ёрлик ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади. Собиқ иттифоқ ИИВнинг буйруғи билан 1981 йилда III даражали, 1986 йилда эса II даражали «Бенуқсон хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган.

Касбига содиқ ходимнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида унинг оиласи истиқомат қилаётган уйга ёдгорлик ўрнатилган.



Муса Гашимов

МИЛИЦИЯ СТАРШИНАСИ
ОЛИМЖОН АСҚАРОВ

1951 йил 10 октябрда Тошкент вилояти Янгийўл туманида туғилган.

1976 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ДАН бошқармаси 2-алоҳида дивизиони йўл назорати инспектори лавозимида тайинланган.

Унинг хизматлари инobatга олиниб, 1984 йилда собиқ иттифоқ ИИВнинг буйруғи билан III даражали «Бенуқсон хизматлари учун» медаллари билан мукофотланган.

Унинг кенжа фарзанди Жамшид Асқаров ота касбини танлаган. Ҳозирги кунда Сергели туман ИИОФМБ кўриқлаш ва хизмат кўрсатиш гуруҳи сафдор ходими сифатида хизмат қилиб келмоқда. Фидойи ходимнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида у таҳсил олган мактабда ёдгорлик ўрнатилган.



Олимжон Асқаров

Кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги, ғоят хавфли жиноятчиларни ушлаш ҳамда зарарсизлантириш чоғида моҳирона ҳамда қатъият билан ҳаракат қилганлари учун учала ходим «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланади. ДАН пости эса уларнинг шарафига «Уч қаҳрамон» номини олади.

Тошкент вилояти Тошкент тумани «Авлиё ота» МФЙ бўлди.

– «Уч қаҳрамон» ҳайкали чамаси 2–3 йил аввал бузилганди, – дейди маҳалла раиси Абдумалик Салимов. – Ҳайкал ўрнатилган ҳудуд маҳалламизга тегишли. Лекин унинг бугунги тақдири ҳақида аниқ бир маълумотга эга эмасмиз.

Саволимизга жавоб излаб тегишли ташкилот ва идора масъуллари, хусусан, «Уч қаҳрамон» ЙПХ маскани бошлиғи, Тошкент ҳалқа автомобиль йўли муҳандиси, Тошкент тумани ҳоким ўринбосари, Юнусобод тумани ИИБ бошлиғи ва ниҳоят пойтахт ИИББ Ахборот хизмати билан боғландик. Ва суриштирувларимиз натижасида кенг жамоатчиликни қизиқтирган саволларга жўяли жавобни Тошкент шаҳар ИИББдан олганимиздан мамнунмиз.

Яъни, ҳозирда Тошкент шаҳар ИИББ томонидан пойтахт ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш

МИЛИЦИЯ КАТТА ЛЕЙТЕНАНТИ
МАТКАРИМ МАТЧАНОВ

1958 йил 21 апрелда Тошкент шаҳрида туғилган.

У хизмат фаолиятини 1979 йилнинг февраль ойида Тошкент шаҳар ИИБ Милиция мотодивизиони милиционери лавозимида бошлаган. Кейинчалик Тошкент шаҳар ИИБ ЙХХда турли лавозимларда хизмат қилган. 1987 йилда Тошкент шаҳар ИИБ ДАН ЙПХ полки кидирув бўйича инспектор лавозимида тайинланган.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ташаббуси билан эл-юрт осойишталиги йўлида ўз жонини фидо қилган жасур ходим Маткарим Матчановнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида у таҳсил олган Олмазор туманидаги 22-сонли ўрта мактабда ёдгорлик ўрнатилган.



Маткарим Матчанов

Мурожаатни ўрганиб

Хўш, бугун ушбу ҳайкал қаерда? Унинг кейинги тақдири нима бўлади? Ушбу саволлар билан биринчи юзланган манзилимиз

чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган ходимларнинг хотирасини абадийлаштириш, ушбу ҳудуднинг замонавий, кўркам қиёфасини тиклаш ҳамда ободонлаштириш бўйича бир қатор манзилли ишлар бошланган. Айти пайтда «Уч қаҳрамон» ҳайкали ҳайкалтарош усталар томонидан янада бойитилган ҳолда ўрнатиш учун ҳозирлаб қўйилган. Ушбу ҳудуд яқин кунларда қайтадан замонавий кўриниш олади.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ИИББ «Шон-шараф» музейида сўнгги нафасигача ўз касбига ва қасамёдига содиқ қолган мард ва жасур ходимларнинг кўрсатган жасорати ҳақидаги алоҳида кўргазмаларни стенд ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида тайёрланган «Тошкент шаҳар ички ишлар органлари: кеча ва бугун» номли китоб-альбомда ҳам уларнинг қаҳрамонликлари ёритилган.

Қаҳрамонлар номи барҳайит

Ҳақиқатан ҳам шундай. Юртдошларимиздек бағрикенг, жонкуяр, инсоний фазилатларни қадрловчи, кўнгли очиқ, саҳий ва бунёдкор инсонлар дунёда кам бўлса керак. Бу «Уч қаҳрамон» ЙПХ масканига бориб, бевосита ўрганишларимиз чоғида кенг жамоатчиликнинг фикрида «Бу ҳайкал нафақат хушманзара хотира хиёбони, балки етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонлар қалбида ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаб, саодатли тонглари шавқини туйиб, уни қадрлашга ўргатади», деган мулоҳазанинг устувор эканлигида янада яққол намоён бўлди.

Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,
«Postda» мухбири.

Нет коррупции!

ВЗЯТКА – НЕ РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ

В соответствии с законодательством и получение, и дача взятки – противоправные деяния, за которые предусмотрено наказание. Эта тема часто освещается в СМИ, однако отдельные граждане не оставляют попыток решать возникшие проблемы в обход закона, ошибочно считая, что деньги решают все.

Инспектор ДПС третьей мобильной группы батальона ДПС УБДД СОБ УВД Навоийской области рядовой Худойшукур Облокулов в ходе несения службы у перекрестка улиц Амира Темура и Галаба города Навои с целью проверки документов остановил автомобиль марки Hyundai Solaris. За рулем находился 36-летний Х. А., который не смог предъявить инспектору документы, да-



ющие право на управление транспортным средством. В отношении нарушителя был составлен административный протокол по ч. 2 ст. 135 КоАО.

Вместо законного разрешения возникшей проблемы, Х. А. предпринял попытку «урегулировать» ее при помощи денег и предложил инспектору 100 долларов США. Несмотря на то, что сотрудник пояснил нарушителю, что его действия противоречат закону, тот не унимался и продолжал предлагать взятку.

Рядовой Х. Облокулов рапортом на имя начальника УВД области доложил о данном факте. Гражданин Х. А. задержан с поличным

сотрудниками отдела по Навоийской области Главного управления собственной безопасности во время дачи взятки инспектору ДПС.

Рядовой Худойшукур Облокулов в органах внутренних дел служит 7 лет, в подразделении УБДД – 3 года. Он ответственен за обеспечение на вверенном участке безопасности дорожного движения, выявляет нарушителей ПДД, принимает к ним меры. Свои функции выполняет в любых условиях, при любых обстоятельствах.

Махлиё ХОЛОВА,
корреспондент «Postda».

На снимке: рядовой Худойшукур Облокулов во время несения службы. Навоийская область.

Отклик

СОТРУДНИЧЕСТВО ОБЕСПЕЧИВАЕТ УСПЕХ

В МВД Республики Каракалпакстан и его подразделениях проводятся мероприятия, на которых разъясняется суть постановления Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по преобразованию органов внутренних дел в народную профессиональную структуру и ориентированию их работы на более тесное взаимодействие с населением».

Сотрудники сферы должны подходить к исполнению служебных обязанностей честно, добросовестно, с искренним чувством личного долга перед страной и народом, соблюдать правила этикета, сложившиеся в обществе, а главное – не злоупотреблять должностными полномочиями, бороться с коррупцией, не допускать негативных ситуаций, порочащих репутацию сотрудника органов внутренних дел.

На основании вышеуказанного постановления предусматривается предоставление всевозможных льгот курсантам и слушателям высших и средних специальных учебных заведений системы.

Очевидно, что выполнение требований настоящего постановления послужит дальнейшему укреплению сотрудничества органов внутренних дел с населением, а сотрудничество всегда обеспечивает успех.

Омирбай ХАСАНОВ,
заместитель начальника Службы духовно-просветительской работы и кадрового обеспечения МВД Республики Каракалпакстан, подполковник.



Безопасность – прежде всего

ПРОЯВЛЯТЬ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ

Пресс-конференция, организованная Управлением безопасности дорожного движения УВД Самаркандской области, была посвящена анализу проблем и поиску решений вопросов безопасности на дорогах.

Начальник УБДД УВД Самаркандской области полковник Шавкат Бойхурозов в своем выступлении отметил, что предпринимаются все необходимые меры для нормализации ситуации, сокращения количества ДТП, но смертность практически не снижается. Так, в 2022 году в регионе зафиксировано 1154 дорожно-транспортных происшествия. Несчастных случаев, в результате которых пострадавшие получили телесные повреждения различной степени тяжести, по сравнению с аналогичным периодом прошлого года, стало больше на 25, на 118 человек прибавилось число пострадавших.

По мнению руководителя службы, причина большинства аварий – превышение скорости, игнорирование правил, неопытность водителей, а также несоблюдение правил пешеходами.



В связи с тем, что основная часть ДТП происходит из-за превышения скорости, в минувшем году начальник управления выступил с предложением ограничить скорость. С января текущего года на отдельных участках городских дорог появились знаки, ограничивающие скорость до 60 км/ч.

Среди нарушений, зафиксированных онлайн-камерами, – вождение в нетрезвом виде, нежелание пропускать пешеходов на пешеходных переходах. С нарушителей взыскиваются штрафы.

На мероприятии отмечалось, что по инициативе сотрудников УДББ с начала года было установлено 3 944 недостающих дорожных знака, 5 075 устаревших заменены на новые, возведено 33 550 кв. м. защитных огражде-

ний, проведено 2 129 750 кв. м. улично-дорожной сети, проложено 111 136,9 км пешеходных и столько же велосипедных дорожек, отремонтировано 30,8 км тротуаров, создано 78 искусственных неровностей, построены четыре новых подземных перехода, установлены 47 светофоров и 78 «лежачих полицейских» вблизи 42 школ области.

Для улучшения ситуации на дорогах устанавливаются камеры видеонаблюдения, передвижные радары, другие технические средства онлайн-фиксации нарушений, проводятся рейды, накладываются штрафные санкции.

Рассказывая о проблемах сферы, руководство отметило, что управлять автомобилем и соблюдать ПДД становится все сложнее: безответственных граждан становится больше.

Еще одна проблема – дорожное хулиганство. Новый вид ответственности будет введен за халатность за рулем, создание препятствий другим участникам движения.

– Самая большая боль водителей Самарканда – бескультурие и неуважение друг друга. Зачастую с проблемами на дорогах водители сталкиваются по причине отсутствия элементарных представлений о культуре, правилах этикета. Возможно, мы сможем предотвратить несколько сотен ДТП и сохранить жизни, если каждый водитель, сев за руль, начнет уважать другого, – заключил полковник Ш. Бойхурозов.

Замира БАЛТАЕВА,
корреспондент «На посту».

Фото автора.

Самаркандская область.



Ma'naviyat va ma'rifat darsi

BOBUR – MOHIR SARKARDA VA XALQPARVAR PODSHOH

(Zahiriddin Muhammad Bobur
tavalludining 540 yilligi)



Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, Umarshayx Mirzo o'g'il farzand ko'rgach, piri Xoja Ahror Valiydan unga ism qo'yib berishni iltimos qiladi. Hazrat bolaga Zahiriddin Muhammad deb ism qo'yadilar. Dovyurakligi va jasurligi uchun u yoshligidan «Bobur» («Yo'lbars») laqabini oldi.

“ OTASI FOJIALI RAVISHDA HAYOTDAN KO'Z YUMGACH, ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR 12 YOSHLIGIDA MAMLAKAT TAXTIGA O'TIRADI. BU PAYTDA TEMURIY SHAHZODALAR O'RTASIDA O'ZARO NIZOLAR AVJIGA CHIQQAN PALLA EDI. BU HAM YETMAGANDEK, UMARSHAYX MIRZO SALTANATIDAGI BIR QANCHA BEKLAR VA HOKIMLAR YOSH HUKMDORGA BO'YSUNISHNI ISTASHMAYDI. O'Z AMAKISI VA TOG'ASI HAM UNGA QARSHI CHIQUVCHILIK QILADILAR. XULLAS, HUKMDORLIGINING DASTLABKI 2-3 YILINI O'ZARO NIZO VA KELISHMOVCHILIKLARNI BARTARAF ETISHGA, O'Z MAVQEINI MUSTAHKAMLASHGA SARFLAYDI.


Lekin uning asl maqsadi bundanda ulug'vorroq – bobosi Amir Temur saltanatini qayta tiklash edi. Buning uchun avvalo bir paytlar ulug' saltanatning poytaxti bo'lgan Samarqandni egallash lozim deb hisoblardi. Shu maqsadda amalga oshirgan 1495–1496-yillardagi harbiy yurishlari muvaffaqiyatsiz kechadi. Nihoyat 1497-yilda 7 oylik qamaldan so'ng Samarqandni qo'lga kiritadi. Ammo turli iqtisodiy, harbiy va boshqa qiyinchiliklarga duch kelavergach, yuz kundan keyin shahardan chiqib ketadi.

Bobur ikkinchi marta Samarqandni 1500-yilning kuzida egallaydi. Shayboniyxonning shaharda qoldirgan lashkari mahv etiladi. Ammo kelasi yil bahorida Shayboniyxon katta qo'shin bilan bostirib keladi. 1501-yil aprelida bo'lgan

«Bobur dilbar shaxs edi. Uyg'onish davrining ajoyib sultoni, kuchli, tadbirkor kishi bo'lib, san'atni, adabiyotni, go'zallikni sevardi».

Javoharlar' Neruning «Hindistonning kashf etilishi» asaridan.

jangda Bobur Mirzo mag'lubiyat alamini tortadi. Uning tug'ma sarkardalik iste'dodi toj-u taxt uchun kurashlarda ana shunday biri-birini almashtirib turgan g'alabalar



va mag'lubiyatlar orqali tobora toblanib boradi.

Tug'ma iste'dod de-yishimizga sabab, uning tomirida temuriylar qoni oqardi. Tarixchi olim Baxtiyor Haydarov ta'kidlaganidek, uning otasi Umarshayx Mirzo Amir Temurning beshinchi avlodi bo'lsa, onasi Qutlug' Nigorxonim Chingizxonning o'n to'rtinchi avlodi edi.

1501–1504-yillardagi kurashlardan so'ng Bobur Mirzo ota yurtini tark etishga majbur bo'ladi. Hisor tog'lari osha Afg'onistonga yo'l oladi. Aynan sarkardalik mahorati va bu yerda yuzaga kelgan qulay siyosiy vaziyatdan to'g'ri foydalanishi tufayli G'azni va

Kobul shaharlarini egallaydi. 1507-yilda esa Hindistonga yurish qiladi. Dastlabki urinishi ko'zlagan natijani bermaydi. 1519-yildan bu o'lkani egallashga jiddiy kirishadi. Bir necha harbiy yurishlari muvaffaqiyatli kechadi. Nihoyat 1526-yilda Panipatda Dehli sultoni Ibrohim Lo'diyning 100 ming kishilik lashkarini 12 ming kishilik qo'shini bilan yengib, bu shaharni qo'lga

Yovning jangovar fillari tomon Boburning navkarlari yondirilgan g'ildiraklarni dumalatib yuborishadi. Otash-

«... U turli fazilatlar bilan bezangan va maqtoqli xislatlarga ega bo'lgan bir podshoh edi. Ushbu barcha fazilatlaridan shijoat va muruvvati ustun turardi. Turkiy she'rni Amir Alisherdan keyin hech kim Bobur yozgan darajada yozgan emas».

Mirzo Muhammad Haydarning «Tarixi Rashidiy» asaridan.

dan cho'chigan jonivorlar ortga burilib, yog'iy askarlarini yanchib, qochishga tushishadi. Ana shu g'alabadan so'ng Bobur Hindiston zaminida ulug' saltanat barpo qiladi. Boburiylar bu o'lkada 300 yildan ortiq, ya'ni inglizlar istilosigacha hukmdorlik qilishadi.

Ayniqsa, Hindistonning taraqqiyotiga Bobur va uning avlodlari beqiyos hissa qo'shishadi. Avvalambor, mamlakatni birlashtirib, markaziy hokimiyatni kuchaytiradi. Natijada o'zaro urushlar barham topib,

“ ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR QAYSI MAMLAKATNI EGALLAMASIN, O'SHA YURTNI OBOD O'LKAGA AYLAN-TIRISH CHORALARINI KO'RADI. MASALAN, AFG'ONISTONDA QURILISH, OBODONLASHTIRISH ISHLARIGA ALOHIDA E'TIBOR QARATADI. HUNARMANDCHILIKNI RIVOJLANTIRADI. DEHQONLARNING SHAROITLARINI YAXSHILAYDI. «BOG'I SHAHRORO», «BOG'I JAHONORO», «O'RTABOG'», «BOG'I VAFO», «BOG'I BOBUR» SINGARI OROMGOHLAR BARPO ETADI.

yurtda tinchlik-oso-yishtalik hukm suradi. Bu esa madaniyatning, savdo-sotiqning rivoj topishiga qulay shart-sharoit yaratadi.

Bobur o'z saltanatida obodonlashtirish, ilm-u fanni taraqqiy ettirishga alohida e'tibor qaratadi. Ko'plab bunyodkorlik ishlariga rahnamolik

Xabaringiz bor, yaqindagina O'zbekiston Respublikasi Prezidentining «Buyuk shoir va olim, mashhur davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur tavalludining 540 yilligini keng nishonlash to'g'risida»gi qarori qabul qilindi. Unda buyuk ajdodimiz asarlarining milliy va umuminsoniy mohiyatini, uning yosh avlodimiz intellektual va ma'naviy salohiyatini oshirish, farzandlarimizni shu asosda Yangi O'zbekiston bunyodkorlari etib tarbiyalash borasidagi ulkan o'rni va ta'sirini inobatga olib, Bobur Mirzoning ilmiy va ijodiy merosini mamlakatimiz va xalqaro miqyosda yanada chuqur o'rganish va targ'ib etish maqsadida qator chora-tadbirlar belgilab berilgan. Jumladan, Zahiriddin Muhammad Boburning ilmiy-ijodiy merosini, davlatchilik va sarkardalik faoliyatini keng o'rganish yo'nalishida xalqaro miqyosda ilmiy izlanishlar olib borish va ularning natijalarini e'lon qilish, yangi ilmiy, badiiy-publitsistik asarlar yaratish vazifalari qo'yilgan.

qiladi. Uning davrida dehqonchilik rivoj topadi. Boburning xalqparvarligi yana shunda ko'rinadiki, mahalliy aholining dini, urf-odatlarini hurmat qiladi. Shuning uchun ham buyuk hind xalqining mehr-u muhabbatini, hurmatini qozonadi.

Bobomurod TOSHEV
tayyorladi.





Инсон қадри учун

МУРОЖААТЛАР ЕЧИМИ – ХАЛҚ РОЗИЛИГИ КАФОЛАТИ

Ҳозирги кунда халқ билан мулоқотнинг энг самарали йўлларида бири мурожаатларга алоҳида эътибор қаратишдир. Чунончи, мамлакатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органларини аҳолига ўз вақтида ва сифатли ёрдам кўрсатадиган, халқ манфаатларига хизмат қилишни ўз хизмат бурчи деб биладиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантириш лозимлиги таъкидланган. Ана шу талабдан келиб чиқиб, тизимда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш борасида янгича ёндашув асосида ишлар ташкил қилинмоқда.

Мурожаатларни кўриб чиқишда расмийликка чек қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча қонуний воситаларни ишга солиш чоралари кўриляпти. Аҳоли билан ишончли алоқаларни мустаҳкамлаш йўналишида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилиб, аниқланган тизимли муаммоларини босқичма-босқич бартараф этиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, ИИВ таркибий тузилмалари ва ҳудудий бўлинмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш ҳар ой якуналари бўйича чуқур таҳлил қилиняпти. Вазирлик раҳбарияти ҳузурида йиғилишлар ўтказилиб, такрорий мурожаатларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг розилигини таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқишда ходимлар фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими жорий қилинди.

Шунингдек, Ички ишлар вазирининг 2022 йил 10 июлдаги буйруғига кўра, ҳар чорак якуни бўйича қилинган танқидий таҳлиллари асосида ҳар бир туман (шаҳар) ички ишлар органи бошлиғининг хизмат фаолиятини тегишли рейтинг асосида баҳолашда келиб тушган мурожаатларнинг муайян муддатларда кўриб чиқилишига ва уларда келтирилган вазирнинг ижобий ҳал қилинишига алоҳида эътибор қаратилиши белгиланди. Мазкур амалиётнинг йўлга қўйилиши туман (шаҳар) ички ишлар органларида мурожаатларни кўриб чиқиш ва уларни қонуний ҳал қилишда сансалорлик ва расмийлик ҳолатларига чек қўйиш, ушбу соҳага бўлган масъулиятини янада оширишга ҳамда такрорий мурожаатлар келиб чиқишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Юртимизда аҳоли билан мулоқот олиб боришнинг асосий

мақсади, аввало, инсон ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш орқали халқимизнинг фаровон, бахтли ҳаёт кечирishi учун муносиб шарт-шароит яратишдан иборат. Шу мақсадда Ички ишлар вазири ўринбосарлари ва соҳавий хизматлар раҳбарларининг кунлик шахсий қабуллари йўлга қўйилган. Жумладан, такрорий мурожаат йўллаётган фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқот ўтказилиб, уларнинг муаммолари юзасидан қонуний қарорлар қабул қилиняпти.

ҳат ҳал этишнинг энг натижадор воситаси ҳисобланади. Ўтган йил давомида вазирлик раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар иқтисодий ва ижтимоий аҳволи нисбатан оғир бўлган маҳалларда сектор раҳбарлари ҳамда мутасадди идоралар билан ҳамкорликда ўтказилиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни тезкорлик билан ҳал этиш чоралари кўрилди.

Халқ билан очиқ мулоқот қилиш ва «маҳаллабай» ишлаш тизимини янада такомил-



Озодбек Жўрабоев,
ИИВ Ташкилий департаменти
Мурожаатлар билан ишлаш
бошқармаси бошлиғи,
полковник.

жами 4201 та мурожаат олинди. Шунингдек, ўтказилган сайёр қабулларда 201 нафар фуқародан миннатдорлик мазмунидаги мурожаатлар ҳам келиб тушган.

Пробация ҳисобида туриб, тузалиш йўлига ўтган 339 нафар шахсни муддатидан олдин шартли равишда жазодан озод қилиш бўйича судларга тақдимномалар киритилди, 4 нафар маҳкум яшаш ҳудудига яқин бўлган муассасага ўтказилди. Учта жиноят ишини томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш бўйича келиб тушган мурожаатлар жойида ўрганилиб, тегишли тартибда судга юборилди, 31 та ҳолат юзасидан қўшимча суриштирув ўтказиш тўғрисида тақдимномалар киритилди ҳамда 7 та жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, қўшимча тергов ҳаракатлари ўтказиш учун юборилди.

Бундан ташқари, аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган тизимли муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, ҳудудий ички ишлар органларида аҳоли муаммолари ва мурожаатлари билан ишлаш ҳолати атрофлича ўрганилиб, уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатилди.

Келгусида ҳам Ички ишлар вазирлиги тизимида халқ билан мулоқот қилиш, «маҳаллабай» ва «фуқаробай» ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, энг кўп мурожаат йўллаётган шахсларнинг мурожаатларини уларнинг яшаш ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида кўриб чиқиш бўйича тизимли ишлар давом эттирилади.

Ўтган йил давомида вазирликда ўтказилган шахсий қабуллар жараёнида 9120 нафар фуқаро билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиниб, 3093 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. Шунингдек, 6027 нафар фуқародан мурожаат қабул қилинган.

Мурожаатларнинг 1852 таси ижобий ҳал қилиниб, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди, 3966 таси эса малакали ҳуқуқий тушунтириш бериш орқали ҳал қилинган. 118 та мурожаат қонуний асосларга кўра, рад этилган ёки кўрмасдан қолдирилган, 91 та мурожаат ҳозирги кунда назоратга олинган ҳолда кўриб чиқилмоқда.

ИИВ ҳузуридаги Тергов департаментида фуқароларни қабул қилишнинг замонавий амалиёти йўлга қўйилган. Департамент бошлиғи ва унинг ўринбосарлари ҳар ҳафтанинг жума куни видеоконференцалоқа режими орқали терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговдан норози бўлган фуқаролар билан онлайн мулоқот ўтказишади. Натижада ўтган йилнинг июнь-декабрь ойлари давомида 105 нафар фуқаронинг ушбу масалалар бўйича мурожаатлари ўрганиб чиқилди ва уларнинг тўлиқ розилигига эришилди.

Айни пайтда жойларда ўтказилаётган сайёр қабуллар ҳам халқ ичига кириб бориш, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини чуқур ўрганган ҳолда, тегишли идора ва ташкилотлар билан бамабла-

лаштириш, аҳолининг долзарб муаммоларини тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида Ички ишлар вазирининг тегишли фар-

Ўтказилган сайёр қабуллар натижа-сида 391 нафар фуқарога шахсини тасдиқловчи ID-карта, 86 нафар шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш ҳужжати, 3 нафар кишига Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳнома-си расмийлаштириб берилди ва 4 нафар фуқаро белгиланган тартибда доимий рўйхатга қўйилди.

мойишларига асосан, вазир ўринбосари, соҳавий хизматлар раҳбарлари ва масъул ходимлардан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, 2022 йилда республикамизнинг барча ҳудудларида жами 102 маротаба сайёр қабул ўтказилди. Қабуллар давомида фуқаролардан турли масалаларда

✓ Урок духовности и просвещения

БАБУР – ТАЛАНТЛИВЫЙ ПОЛКОВОДЕЦ И МУДРЫЙ ПРАВИТЕЛЬ



«Бабур Мирзо – великий сын нашего народа. Имя его живет в литературе, науке, просвещении...».

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

В этом году вся наша страна будет отмечать очередной юбилей нашего прославленного предка. 25 января 2023 вышло постановление Президента Республики Узбекистан «О широком праздновании 540-летия великого поэта и ученого, выдающегося государственного деятеля Захириддина Мухаммада Бабура».

Празднование этой даты принимает особое значение, так как Узбекистан вступает в новый этап национального развития, в эпоху Третьего Ренессанса. Изучение и популяризация наследия Бабура приобретает особую актуальность в свете коренных преобразований, происходящих во всех сферах общества.

некоторые приемы военной тактики у Шейбани-хана. Добившись победы, он перенес центр своей державы в Агру, где и упокоился в 1530 году.

Бабур основал могущественную империю, которая просуществовала более 300 лет.

В истории нашей страны Захириддин Мухаммад Бабур занимает такое же место, как Амир Темура, Джалалиддин Мангуберды, Улугбек, Алишер Навои. Будучи по отцу праправнуком Сахибкирона, а по матери – потомком Чингисхана, он унаследовал от великих предков гены полководцев, исследователей, тонкий ум и поэтический слог, а самое главное – умение собрать воедино народы и построить сильное развитое государство.

Бабур родился 14 февраля 1483 года в семье Умаршейха – эмира Ферганы. Ему было 12 лет, когда трагически погиб отец. Бабур, практически подросток, сел на трон и был вынужден вступить в жесткую борьбу за власть в Мавераннахре. В течение 1494–1496 гг. юный правитель участвовал в сражениях за Самарканд, мечтавая воссоздать былую империю. В 1497 году, после семимесячной осады Бабур взял столицу, но в дальнейшей борьбе за власть столкнулся с опытным полководцем Шейбани-ханом, который вытеснил его в Кабульское владение темуридов. В 1504 году Бабур взял Кабул. С 1519 года он совершал походы из Кабула в Северо-Западную Индию, а в 1526 году предпринял поход на Дели и одержал победу.

В битвах за Индию Бабур проявил себя как выдающийся полководец – привлек командиров из Мавераннахра, артиллеристов и военных инструкторов из Османской империи, успешно использовал огнестрельное оружие, заимствовал

Мухаммад Захириддин Бабур показал себя не только талантливым полководцем, но и мудрым правителем. Государственные дела он старался решать мирным путем, придерживался справедливости: прощал тех, кто приходил к нему с извинениями; оставлял имения или области за теми, кто добровольно принимал его за своего государя. Проявлял уважение к обычаям и вероисповеданию всех проживавших в Индии народов. Был нетерпим к заговорам, обману, предательству и сурово наказывал виновных. Всегда шел навстречу своим соратникам, которые желали вернуться на родину. Все это он учил своего старшего сына и преемника, Хумаюна.

Большую часть своей жизни Бабур провел в военных походах и сражениях. На протяжении всего времени вел личные дневники, которые затем были объединены в произведение «Бабур-наме». Это не только описание личной жизни, но и ценный источник по изучению истории, культуры, традиций, быта народов, флоры и фауны тех стран, которые покорял.

Один из величайших людей своего времени, создавший сильнейшую империю в истории Востока, был также великим поэтом. Его рубаи восхищают и вдохновляют наших современников во всем мире. На его произведениях не

одно поколение соотечественников в нашей стране и за рубежом училось и учится любви к Родине и народу, ведь Бабур до конца своих дней оставался пламенным патриотом.

**Ты на чужбине – и забыт,
конечно, человек!**

**Жалеет только сам себя
сердечно человек.**

**В своих скитаньях ни на час
я радости не знал!**

**По милой родине скорбит
извечно человек.**

С провозглашением независимости Узбекистана имя нашего великого предка заняло достойное место среди великих полководцев, государственных деятелей, ученых-энциклопедистов и поэтов. За эти десятилетия огромное наследие Бабура подверглось глубокому изучению и осмыслению. Каждый год ши-



роко отмечается день рождения основателя империи Бабуридов. 14 февраля можно назвать праздником литературы, науки и просвещения. В его рамках проводятся различные мероприятия – от республиканских и международных научных конференций до литературных встреч в школах, лицеях, вузах.

Образ Захириддина Мухаммада Бабура увековечен в памятниках, установленных в Ташкенте и Андижане, улицы во многих городах страны названы в его честь. В его

родном городе действует Международный общественный фонд имени Бабура, а при нем музей «Бабур и мировая культура». Изданы «Энциклопедия Бабура», полное собрание сочинений, «Бабур. Бабуриды. Библиография». Выпускается журнал «Бабур и мировое наследие».

Как выражение особой любви и благодарности от потомков, будут отремонтированы и благоустроены памятники Бабуру и места поклонения, произведена реставрация рукописей, древних книг, произведений искусства и других артефактов, относящихся к наследию Бабура, созданы условия для их надежного хранения. Продолжится поиск рукописей и других культурных ценностей, связанных с жизнью, научным и творческим наследием Бабура, хранящихся в зарубежных странах, создание их

копий и тщательное исследование. Будут выпущены высококачественные медиа- и аудиопродукты, посвященные жизни и деятельности Захириддина Мухаммада Бабура. В посольствах Республики Узбекистан в зарубежных странах, узбекских национальных культурных центрах, обществах соотечественников состоятся различные мероприятия, беседы за круглым столом, посвященные изучению и популяризации его творчества.

Более пятисот лет прошло с тех пор, когда жил, творил, воссоединял народы Захириддин Мухаммад Бабур – яркая звезда на небосклоне полководцев и государственных деятелей Востока. Свет его личности будет еще долго озарять путь будущим поколениям узбекистанцев, указывая верную дорогу, воспламеняя сердца любовью к Родине, народу, всему миру.

Динара ШАМУХАМЕДОВА,
корреспондент «На посту».





Муносабат

БАҲОЛИ ҚУДРАТ ЁРДАМ БЕРАМИЗ

– дейди Сурхондарё вилояти ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Акром ШАРОФУТДИНОВ

Давлатимиз раҳбарининг «Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори тизим ходимлари учун катта воқелик бўлди.

Биз қачонки ривожланиш йўлини танлар эканмиз, даставвал, қайси йўналиш ёки соҳада бўлмасин, ўз қадриятларимизни белгилаб олишимиз ва шунга мувофиқ келадиган тартиб-қоидаларни ўрнатишимиз лозим бўлади. Худди шундай ички ишлар органлари халқчил тузилмага айланиши учун, аввало, ҳозирги шароитдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ходим сўзсиз амал қиладиган тар-

тиб-қоидалар қатъий қилиб белгиланиши шарт.

Қарор билан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизимини яратиш мақсадида Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларида жамоатчилик асосида доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланган, соҳа олимлари, фахрийлари ва журналистлардан иборат жамоатчилик кенгашла-

ри тузилиши белгиланди. Ушбу жамоатчилик кенгашида айнан фахрийлар ва журналистларнинг ҳам бўлиши, муҳокама марказида бўлган ҳолатларга ҳолис ёндашиш ва адолатли қарор чиқарилишида муҳим роль ўйнайди. Албатта, биз – фахрийлар ҳам баҳоли қудрат бу жараёнларда фаол бўлишга, ҳаётий тажрибаларимиздан келиб чиққан ҳолда кўмаклашишга тайёрмиз.



Назария ва амалиёт

ЖИНОЯТЧИЛИКНИ ЖИЛОВЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ички ишлар органларининг халқчил фаолиятини таъминлашга қаратилган тизим яратиш баробарида мураккаб шароитда янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарларнинг пайдо бўлаётгани, жиноят содир этиш усуллари ва мақсадларининг ўзгариб бораётгани хизмат фаолиятини илмий ёндашувлар асосида ташкил қилишни тақозо этаётир.

ИИБ Академияси томонидан жиноятлар энг кўп содир этилаётган 14 та маҳалла мисолида сектор раҳбарлари, маҳалла раислари ва профилактика инспекторлари учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликни жиловлаш бўйича «фуқаробай» ишлаш методикаси ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг «қизил» ва «сарик» тоифадаги маҳаллаларида ўрганишлар олиб борилиб, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрланди.

Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида ИИБ Академияси ҳузурида илмий ишлан-



малар натижаларини фаолиятга жорий қилиш ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш бўйича кенгаш ташкил этилди. Кенгаш

зиммасига ички ишлар органлари фаолиятининг илмий асосларини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини белгилаш, илмий фаолиятни тизимдаги мавжуд эҳтиёжни инобатга олган ҳолда уйғун равишда олиб бориш, жиноятларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, олдини олиш ва фож этиш бўйича

Яқинда мазкур кенгашнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Вазирлик таркибий тузилмалари раҳбарлари, кенгаш ишчи органи аъзолари, Академия профессор-ўқитувчилари, шунингдек, онлайн форматда ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқлари қатнашган йиғилишда янги тизимнинг мақсад ва вазифалари, уни амалга ошириш механизмлари, келгусида кутилаётган натижалар қизғин муҳокама қилинди. Иштирокчиларнинг мулоҳаза ва таклифлари тинг-



илмий хулоса, таклифлар ишлаб чиқиш, шу асосда илғор тажрибаларни оммалаштириш каби устувор вазифалар юклатилган.

ланиб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Жамшид ХОЛОВ,
капитан.



Ходимлар фуқароларга нисбатан кўполлик қилмаслиги, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш, асоссиз руҳий ва жисмоний таъсир ўтказиш ҳолатларига йўл қўймаслиги лозим.

(Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексидан).



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz

■ Сирдарё

**БЕШ ҚҰЛ
БАРОВАР
ЭМАС**

Туманимизда назорат остидаги шахсларни тарбиялаш, қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларни соғлом ҳаётга қайтариш мақсадида муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган йили Пробаця бўлими ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 110 нафар назоратдаги шахс иш билан таъминланди. Бундан ташқари, 24 нафар шахс тадбиркорликка йўналтирилиб, уларга кредит олиш, ижарага бино топиш, ҳужжатларни расмийлаштириш борасида кўмаклашилди. Натижада 59 нафар шахс муддатидан олдин шартли равишда жазони ўташдан озод этилди.

Жиноят кўчасига кирган шахсни тарбиялаш, уни тўғри йўлга солиш энгил иш эмас. Сабаби, профилактик-тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамай, қонунқоидаларни писанд қилмайдиганлар ҳам учраб туради.



Жиноят ишлари бўйича туман судида Гулбаҳор маҳалласида яшовчи Ринат Арзиев (исмлар ўзгартирилди)нинг иши кўрилди. Суд муҳокамаси қизгин тус олди. Маълум бўлишича, унга икки йилга озодликни чеклаш жазоси тайинланган. Бироқ у ўзига берилган имкониятдан тўғри фойдаланмади. Ходимларимиз томонидан бир неча бор огоҳлантирилганига қарамай, спиртли ичимлик ичиб, атрофдагилар тинчини бузишда давом этди. Суд ҳукми қатъий бўлди: Р. Арзиев суд залида қамоққа олиниб, белгиланган жазо озодликдан маҳрум этиш жазосига алмаштирилди.

Шундан сўнг суд фуқаро Э. Абдукаримов ишини кўриб чиқди. У ўз ўртоғига қасддан тан жароҳати етказгани учун жазога тортилган, яъни уч йилга озодликдан маҳрум қилинган. Ўзини муносиб тутгани сабабли жазо озодликни чеклашга алмаштирилиб, профилактик ишлар кучайтирилган. Аммо озодликка чиққач, ичкиликбозликка берилиб, белгиланган вақтда ҳудудда бўлмаслик ҳолатлари аниқланган. Бунинг устига, жамиятда юриш-туриш қоидаларини муттасил бузиб келган. Суд ҳукмига кўра, у яна жазони ижро этиш муассасасига қайтарилди.

Камолиддин ДОНАЕВ,
Ховос тумани ИИБ Пробаця бўлими
катта инспектори, майор.

■ Навоий

**АСОСИЙ МАҚСАДИ –
АЁЛЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ**

– Ўзбек аёллари сабр-қаноатли, матонатли ва андишали. Аёлларимиз тазйиқ ва зўравонлик қурбони бўлмаслиги учун биз жойларда улар билан кўплаб тарғибот тадбирларини ташкил этилди. Шунга қарамай, эрта ёшда турмуш қураётганлар ва шаръий никоҳда яшаётганлар ҳамон учраб турибди, – дейди Зарафшон шаҳар ИИБ ЖХХ ҲПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, катта лейтенант Озода Асадова. – Бу эса уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишимизда қийинчилик туғдирипти, қолаверса жамиятда фаол бўлишларига халал бермоқда.

Озода Асадованинг ички ишлар органларида фаолият кўрсатаётганига ҳали кўп бўлмади. Аммо қисқа вақт ичида шаҳар аёлларига ижтимоий, моддий, психологик кўмак бериш борасида самарали ишларни амалга оширишга улгурди. Ўтган йили «Аёллар дафтари»га киритилган

105 нафар хотин-қизга масъул ташкилотлар, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда муаммоларини ечишда амалий кўмак берди. Ҳозир ҳам уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туради. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўраётган аёлларга ҳимоя ордери расмийлаштирилди. Қаҳрамонимиз хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни мамлакат ҳаётида фаоллигини оширишга қўшган ҳиссаси учун «Йил аёли» миллий танловининг Навоий вилояти босқичида «Ген-



дер тенглик» номинацияси бўйича II даражали диплом билан тақдирланди.

Махлиё ХОЛОВА,
«Postda» мухбири.

**Қилни қирқ ёриб****ЖИНОЯТНИ ЖИЛОВЛАШ ЙЎЛИДА**

Бўка тумани ИИБ Эксперт-криминалистика гуруҳи ходимлари ҳудудда жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни «иссиқ изида» очишга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Улар жорий йилнинг ўтган даврида 34 марта воқеа жойини кўздан кечириб, ашёвий далиллар олишди, яна шунча маротаба қидирув ва тергов ҳаракатларида қатнашишди.

Шунингдек, гумон қилинувчи, жабрланувчи, муқаддам судланган, профилактик ҳисобда турган ва жиноят қилишга мойил бўлган 926 нафар шахсдан олинган бармоқ изи дактокарталари вилоят ИИББ ЭКМ АДТТ базасига киритиш учун юборилди. Бундан ташқари, дактилоскопия, баллистика, трасология, автотехник ва совуқ қурол экспертизаси йўналишларида 54 та экспертиза хулосаси тайёрланди.

Эксперт-криминалистика гуруҳида «Устозшогирд» аънанаси яхши йўлга қўйилган бўлиб, эндигина хизматни бошлаган ёш ходимларга тажрибали мураббийлар бириктирилмоқда. Бу, албатта, ёш ходимларнинг касб сирларини пухта ўзлаштиришида муҳим аҳамият касб этаётир.



– Жиноятларни тезкорлик билан фош этишда устозлардан олинган сабоқ, касбий билим ва кўникма қўл келади, – дейди туман ИИБ ЭКГ катта эксперти, капитан С. Сотволдиев. – Қолаверса, соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда мунтазам ўтказиб келинаётган ўқув машғулоти ҳам бесамаар кетмаяпти.

Михли САФАРОВ,
«Postda» мухбири.

Тошкент вилояти.

Следствие ведут знатоки

МОЙ ВЫБОР

Любая работа дается легко, если уверен, что сделан правильный выбор.

– О службе в органах внутренних дел мечтал еще в школе, – говорит старший следователь Следственного департамента при МВД Республики Узбекистан майор Фаррух Салохов. – В первую очередь, на мой выбор повлиял отец, Кахрамон Чориевич Салохов, который вышел на заслуженный отдых с должности начальника отделения уголовного розыска, в звании майора. Мама – Шоира Киличева тоже сыграла немаловажную роль. Будучи учительницей русского языка и литературы, она следила за тем, что бы мы хорошо учились, заботилась и поддерживала в любой ситуации.

Фаррух Салохов родился в 1989 году в Касбинском районе Кашкадарьинской области. Когда пришло время детям совершать выбор, родители предоставили им это право, вероятно, поэтому все они являются представителями различных профессий: три дочери – врач, учитель и экономист, а первенец, Фаррух, – страж порядка.

Окончив Академию МВД в 2012 году, он стал служить следователем в следственном отделе ОВД г. Карши.

– Наставники – полковники Актамали Бешимкулов, Руслан Темиров сыграли большую роль в моем становлении, учили тому, что, несмотря ни на что, нужно оставаться человечным, отзывчивым, чутким к чужой беде.

За 11 лет службы в следственных подразделениях ОВД города Карши, Касанского района и УВД Кашкадарьинской области он расширил познания в юриспруденции. Вот уже два года майор



Ф. Салохов служит в Следственном департаменте при МВД Республики Узбекистан.

– Работа следователя – это, прежде всего, общение с людьми, будь то обвиняемый, потерпевший или свидетель, – продолжает собеседник. – Порой допрашиваемое лицо видит в тебе не только сотрудника ОВД, но и человека,

который понимает и может помочь. Вдумчивая, кропотливая и добросовестная работа всегда приводит к хорошему результату.

Свою супругу Фаррух Салохов встретил еще при подготовке к поступлению в Академию. Она стала его однокурсницей, а после сыграли свадьбу. Майор Нафиса Хужанова – старший инспектор группы про-

филактики правонарушений УОБТ Кашкадарьинской области. В настоящее время находится в декретном отпуске и занимается воспитанием троих детей. Супруги всегда поддерживают друг друга, знают не понаслышке об издержках профессии.

Азиза БОХОДИРОВА,
капитан.



Сотрудники не должны извлекать личную выгоду путем злоупотребления своими служебными полномочиями, причинения вреда охраняемым законом интересам граждан, общества и государства.

(из Кодекса профессиональной культуры и служебной дисциплины сотрудников органов внутренних дел).

■ Андижанская область

СОТРУДНИКИ БЕЗ ПОГОН

В Ходжаабадском районе Андижанской области произошло двойное убийство. В одном из домов махалли были обнаружены тела женщины, К. А., 1960 года рождения, и ее племянницы, С. К., 2005 года рождения.



На место происшествия выехала оперативно-следственная группа, в составе которой были младшие инспекторы-кинологи рядовые Элдорбек Каримов и Искандарбек Алимов со служебными собаками Роки и Багира. Благодаря их умелым действиям оперативники установили истину и задержали подозреваемого.

Выяснилось, что 25 января текущего года тридцатилетний мужчина находился в доме родной тети. Он попросил у нее деньги в долг для погашения кредита. Получив отказ, мужчина убил тетю и ее племянницу

хозяйственным ножом, забрал 7 миллионов сумов и скрылся с места преступления.

Это лишь один эпизод служебной деятельности сотрудников подразделения. С начала текущего года кинологи кинологического отделения УООП СОБ УВД Андижанской области 40 раз выезжали на места происшествий. С помощью четвероногих напарников раскрыто 14 преступлений, в том числе убийство, кражи, факт незаконного оборота наркотиков.

– В кино часто показывают, как служебные собаки находят улики, берут след в самых сложных усло-

виях и даже самостоятельно задерживают преступников. В жизни это результат ежедневной многочасовой работы в любую погоду и при любых условиях. Каждый день мы заступаем в суточное дежурство. Есть опергруппы по разным направлениям служебной деятельности. У каждой свой профиль, свои тренировки. За кем-то из кинологов закреплены по две собаки, – говорит командир группы кинологического отделения старший сержант Алиёр Мирзаев. – Служебный пес по кличке Рекс – «старичок!» Он служит около шести лет, а срок службы служебных собак – максимум восемь лет. В «молодости» он был специалистом по поиску наркотиков. Сейчас обоняние у него притупилось, поэтому его используют в ночном патрулировании с нарядами патрульно-постовой службы. Но пес еще полон сил и исправно выполняет служебные обязанности.

В кинологическом отделении содержится 51 служебная собака. Подразделение оснащено шестью

специальными автомашинами «Дамас», приспособленными для перевозки служебных собак.

Отлично справляются со своими служебными обязанностями инструкторы-кинологи рядовые Сардорбек Убайдуллаев и Машалбек Шахобиддинов, младшие инспектора-кинологи рядовые Шерзод Мирзаев и Бобуржон Ураимов.

В кинологическом отделении обучают молодых кинологов. Здесь отрабатываются комплексные задачи, проводятся тренировочные занятия по тактическим действиям на местах происшествий.

В процессе тренировки собак не допускается не только грубое к ним отношение, но даже резкое одергивание поводка. Процесс выстраивается исключительно на врожденных качествах животного.

В этой профессии все основано на любви к животным: собака ее чувствует и будет работать.

Борис КЛЕЙМАН,
корреспондент «На посту».
Фото автора.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

ТИЗИМНИ РАҚАМЛАШТИРИШ –
САМАРАДОРЛИКНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Жинойатчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлашда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни бекиёс. Айти пайтда Қашқадарё вилояти ички ишлар органларида фаолиятни рақамлаштириш, компьютер технологияларидан фойдаланиш хизмат жараёнида вақтнинг тежалиши, вазифаларни бажариш сифати ва тезкорлиги ошишида муҳим аҳамият касб этаётир.

Таъкидлаш жоизки, бу борада вилоят ИИБ ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлими ходимлари томонидан кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жиноятларнинг олдини олиш ва рўй берганларини тезкорликда

фош этиш мақсадида ички ишлар органлари замонавий алоқа воситалари ва ахборот технологиялари билан таъминланмоқда. Хусусан, рақамли АТСларнинг ишга туширилаётгани, хизмат машиналари ва таянч пунктлари замонавий алоқа

воситалари билан жиҳозланаётгани, қўл рақияларига кучайтиргичлар ўрнатилгани фаолият натижадорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Қолаверса, вилоят ички ишлар органларига шиша толали алоқа тармоқлари тортилгани, замонавий алоқа воситалари ўрнатилгани туфайли ҳуқуқбузарлик ёки жиноятлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва фош этиш тезкорлик билан амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, алоқа тармоқлари орқали ички ишлар органларида интернет тармоғи, рақамли, модеми телефон тармоқлари, GSM уяли алоқа каналлари ҳамда ультра-қисқа тўлқинли рақия тармоқлари ишла-

моқда. Шунингдек, вилоят ҳудудида «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз шаҳар», «102» ягона навбатчилик-диспетчерлик хизмати», «Обод ва хавфсиз маҳалла», «Хавфсиз ҳудуд», «Хавфсиз транспорт» аппарат-дастурий комплекс лойиҳалари амалга татбиқ қилинаётгани ҳам эътиборга молиқдир.

– Ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини замон талабларига жавоб берадиган ҳолга келтириш, эскирганларини замонавийларига алмаштириш давр талабидир, – дейди вилоят ИИБ Ахборот технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бўлими бошлиғи, майор Жасур Тўраев. – Шу боис зиммамиздаги масъулият

нечоғлик катта эканини ҳис қилган ҳолда фаолият олиб бораёмиз.

Вилоят шаҳар-туман ИИБларда «Алоҳида махсус хоналар» ташкил этилиб, кузатув камералари ўрнатилди. Ҳозирда ушбу махсус хоналардаги кузатув камералари вилоят ИИБ навбатчилик қисми ва ИИБ Ситуацион марказига интеграция қилинган.

Шунингдек, профилактика инспекторларининг суд жараёнида масофадан туриб иштирокини таъминлаш мақсадида вилоятдаги барча ҳуқуқ-тартибот масканларига шиша толали алоқа кабеллари тортилиб, мавжуд компьютерларга видеоконференцалоқа дастурлари ўрнатилди.

Шу кунларда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, Қарши шаҳридаги криминоген вазият оғир бўлган маҳалла фуқаролар ҳудудларига замонавий видеокузатув мосламаларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда.

Содиқ РАҲИМОВ,
«Postda» мухбири.



АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

ЎЗ ВАҚТИДА ХАБАР БЕРИЛСА...

Андижон вилояти ИИБга тадбиркор Нилуфар Абдуллаева (исм-шарифлар ўзгартирилди) мурожаат қилиб, шахсий банк картасидан 60 миллион сўм маблағ ғойиб бўлганини маълум қилди ва фирибгарларни топиб, пулларини қайтаришда ёрдам беришларини сўради.

Тергов иши Андижон вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси, катта лейтенант Фахриддин Одиловга топширилди.

Терговчининг аниқлашича, аёл телеграм канали сайтларидан бирида заргарлик буюмлари сотилиши ҳақидаги эълонни кўриб қолган. Унда тақинчоқларнинг сурати акс этган рангли каталог жойлаштирилган бўлиб, ҳар бир сурат остида маҳсулотнинг улгуржи нархи кўрсатилганди.

Аёл сайтга ёзиб, жами 120 миллион сўмлик тақинчоқлар тўпламини харид қилмоқчи эканини билдирган. Унга онлайн шаклда тўлдириш лозим бўлган анкета жўнатилган. Мазкур сўровномада исм-шариф, туғилган санадан ташқари, банк карта рақами ҳамда унинг амал қилиш муддати ва келган кодни кўрсатиш лозим эди. Худди шу жойда у ҳар бир маҳсулотнинг каталогдаги рақамини ҳам қайд этган. Ҳеч бир фириб исини пайқаманган аёл анкетани тўлдириб, жўнатиб юборган. Тез орада унга маҳсулотлар 5 кун давомида кўрсатилган манзил бўйи-

ча етказиб берилиши тўғрисида хабар келган.

Хабарсизликдан хавотирга тушган Н. Абдуллаева банк картасидаги ҳисобини текшириб кўриб, 60 миллион сўм ғойиб бўлганини тушунган.

Банк картаси тарихини тақдим этиш бўйича сўров банкка жўнатилди. Маълум бўлишича, унинг пластик картасидаги 60 миллион сўм маблағ 3 та бошқа картага, ҳар бирига 20 миллион сўмдан ўтказилган. Пуллар эса ўша кунидеқ нақдлаштирилгани аниқланди.

– Глобал тармоқнинг ривожланиши кўп жиҳатдан инсоният ҳаётини енгиллаштирди. Бугун уйдан чиқмаган ҳолда интернет орқали харидлар қилиш: чипталар, озиқ-овқат буюртма қилиш, тегишли фаолият олиб бориш, дунёнинг турли бурчагидаги одамлар билан муносабат ва алоқаларни тез йўлга қўйиш мумкин. Шу билан бирга, интернет макони инсоф-диёнатсиз кишилар – фирибгарлар учун ҳам янги майдонга айланди, – дейди катта лейтенант Фахриддин Одилов. – Бунинг устига, ҳозирда банк карталари билан боғлиқ фирибгарлик



ҳолатлари ҳам жуда кўпайган.

Кўплаб товламачи ва интернет фирибгарлари йирик маблағларни алдов йўли билан ўзлаштиришни одат тусига киритмоқда, баъзи алданган одамлар эса бу нохуш ҳолатни шунчаки нутиб юборишмоқда. Бундан ташқари, аксарият кишилар фирибгарни топиш ва жазолаш имконсиз, деб ўйлайди. Энг янглиш фикр айнан шу. Ҳар бир

ҳолат индивидуал ва ҳамма нарса бизда мавжуд бўлган фирибгарга оид маълумотлар ҳажмига боғлиқ. Шунинг учун ўз вақтида барча маълумотларни жамлаб, ички ишлар органларига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Борис КЛЕЙМАН,
«На посту» мухбири.
Муаллиф олган сурат.



Сиз кутган учрашув

КИТОБСИЗ ҲАЁТНИ ТАСАВВУР ҚИЛИШ БЎЛМАЙДИ

– Эркин ака, суҳбатимизни «Она мадҳи» деб номланган пластинкаларга муҳрланган «Она» монологингизни халқимиз катта қувонч билан кутиб олганини эслашдан бошласак...

– 1989–90 йилларда Анвар Тожиёв билан Шукрулло, Шухрат, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Душан Файзий шеърларини тўплаб «Она мадҳи» деб номланган пластинкани чиқарганмиз. У пайтлар маҳсулотимизни Москва тасдиқларди. Орадан бир ой ўтгач, онаминг дуо қилаётган расмини қизил қаламда чизиб, қайтариб юборишибди. Сабабини сўраганимда, она расми билан пластинка чиқариш мумкин эмаслигини айтишган. Жуда хафа бўлиб кетганман. Ҳали-ҳалигача бу воқеани чуқур изтироб билан эслаймман...

Бир пайтлар Англиянинг шаҳарларида бўлганимда, қариялар уйларида кирганман. «Уларнинг болалари борми?» деб сўраганимда «Ҳа» жавобидан титраб кетганман. Кирганимга пушаймонлар еб, ойлаб ўзимга келолмаганман. Сабаби, бундай – даҳшатли ва аянчли манзара билан илк марта юзлашим эди. Кейинчалик бу нарса секин-аста Россияга ва бизга ҳам етиб келди...

Кечалари фарзандининг хархашалари сабаб ширин уйқуси, ороми ва ҳаловатидан воз кечган онани боқолмаслик ва бошқа сабаблар билан қариялар уйига олиб бориб ташлаган ўғиллар, қизлар ҳамда келинларни барчамиз кўриб турибмиз. Бу ноқобил фарзандларни ким деб аташ мумкин? «Қилмиш – қидирмиш», дейишади. Табиат гапирмайди, тушунтиради. Ким билади, балки уларнинг бу қилмишларига ҳам боққан бало бордир?!

– Турли касб ва характер эгалари тимсолларини саҳнада ва экранда моҳирлик билан гавдалантиргансиз. Аини чоғда талабаларга ҳам дарс берасиз...

– Ҳозир Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 3-курс талабаларига дарс бераман. Аввал ота-оналар қизи ёки ўғли актёр бўлишига қаттиқ қаршилиқ кўрсатарди. Ҳозир ўзлари фарзандларини олиб келяпти. Улардан фарзандларининг қанақа китоблар ўқишини сўраганимизда, айримлари актёр бўлиш учун ўқиш кераклигидан таажжубларини яширмайди ҳатто. Билмадим, буни қандай тушуниш мумкин?

Тўғри айтдингиз, актёр саҳнада турли соҳа вакилларини гавдалантиради. Агар китоб ўқимаса, буни қандай уддалайди. Масалан, Мирзо Улуғбек ролини Самарқанд ва Андижон вилоятлари театрларида ўйнади. Астроном олим сиймосини гавдалантириш учун темурийлар сулоласига мансуб кўплаб адабиётларга мурожаат қилишимга тўғри келди. Муҳаммад Али ва бошқа

адибларнинг Амир Темур ва темурийларга бағишлаб ёзган асарларини ўқиб чиқдим. Матбуотимизда нашр этилган мақолаларни топиб мутлоа қилишдан эринмадим.

Ролни шунчаки ёдлаб олиб ижро этиб бўлмайди-да, ахир. Устозим Шукур Бурҳонов «Сўзни ёш бола ҳам ёдлайверади. Сўзнинг замиридаги фалсафани ким гапириб беради? Саҳнага чиққанимда, уни томошабинга шундай етказиб бергинки, ҳар дақиқада йўталиб турадиган бемор ҳам сенинг маҳоратингни кўриб, йўтали эсидан чиқиб қолсин», дерди ҳар доим.

– Ижро этган ролларингиздан қоникмаган пайтларингиз ҳам бўлганми?

– Масалан, «Алишер Навоий» спектаклида менинг характерим



Ҳусайн Бойқаро ролига тўғри келади, Навоийга тушмайди, албатта. Спектакль қайта саҳналаштирилганда, зиммамга Абдурахмон Жомий ролини ижро этиш вазифаси топширилади. Шунақа қийналиб ўйнаганманки, ҳар гал биров бўйнимга ип солиб саҳнага олиб чиққандай бўларди...

– Образлар яратиш, саҳнага чиқишга тайёргарлик жараёнлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

– Мана шу хонада устозим Шукур Бурҳонов грим қилган. Грим қилиб секин чиққанда, ҳеч ким гаплаша олмасди. «Қиёмат қарз»да Сулаймон ота, «Шоҳ Эдип»да Шоҳ Эдип образида чиққанлари кечагидек эсимда. Масалан, спектакль 7:30 да бошланса, 7:20 да шу ердан чиқарди. Биров йўталмасди ҳам, салом ҳам бермасди. Пичирлаб гаплашилларди. Бу билан мен ҳам Шукур Бурҳоновга ўхшаб шундай қиламан, демоқчи эмасман, албатта. Аммо баъзи хислатлари бизга ҳам озми-кўпми юққанини айтиб ўтишим лозим.

Чунки спектакль олдидан биров билан гаплашмаслик, ижро этадиган қаҳрамонингизни хаёлан тасаввур қилиш, фикрни бир жойга жамлаш, энг асосийси, чалғимасликда бу муҳим ўрин тутди.



– Актёр учун Худо берган истеъдоддан ташқари яна қайси жиҳатлар муҳим деб ҳисоблайсиз?

– Актёр ўз устида кўпроқ ишлаши керак. Истеъдод фақат меҳнат ва меҳнат орқалигина шаклланади. Китоб ўқимайдиган одам фикрлашдан ҳам тўхтабди. Ўйлаб кўринг, фикрламайдиган одам билан қандай қилиб суҳбатлашасиз? Саломлашасиз ва хайрлашасиз. Тамом.

Масалан, машҳур кўшиқчи Майкл Жексон биргина шляпани айлантириб кийишни минг марта репетиция қилган экан. Биз ролимизни 5–6 марта репетиция қилиб кўнгилдагидек чиқмаяпти, деб нолиймиз. Ролимизни ўзимизники қилиб олишимиз учун, керак бўлса, юз марта қайтаришимиз керак.

– Қайси мавзулардаги асарлар сизга кўпроқ ёқади?

– Китобсиз яхши ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Жанжалли ёки муаммоли оилаларга эринмай назар солинг. Мақсаднинг йўқлиги, китоб ўқимаслик, ўйин-кулгига берилаётганларнинг кўпчилиги ёшларимиз эканлиги мени чуқур қайғуга солади. Қорин ташвишидан бошқа



гами йўқ, тўқин-сочин яшашни ҳаёт мазмуни, деб биладиган инсонлар кўплигидан ҳам жуда хавотирдаман. Бугунгача эришган ютуқларим, албатта, китоблар ва устозларимизнинг таълим-тарбияси маҳсулидир.

Тарихий ва бадий адабиётлар мутлоааси жону дилим. Аммо бошқа мавзулардаги китобларни ҳам ўқийман. Ҳаммасининг ўз ўрни бор.

– Сизнинг кишиларни яхшиликка, эзгуликка ундовчи, инсонлар орасида меҳр-оқибат, ҳалолликни тарғиб этувчи чиқиш-

Ўзбек Миллий академик драма театри актёри, Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов 1946 йил Андижон вилоятида туғилган.

Халқимизнинг ардоқли санъаткори 55 йиллик фаолияти давомида кинода 80 га яқин, телевизион фильмларда 300 дан зиёд, театрда 90 га яқин роллар ижро этган.

ларингиз ҳам таҳсинга лойиқ. Аини пайтда қандай лойиҳалар устида ишляпсиз?

– Санъаткорларнинг мақсади ижро этилаётган саҳна асарлари ёки кинофильмларда турмушимизда учрайдиган камчиликларни акс эттиришдир. Масалан, қайсидир соҳадаги муаммолар кулги ёки аянчли тарзда тасвирланса, соҳа мутахассислари бундан тегишли хулоса чиқариб, уни бартараф этганини кўпинча эшитиб қувониб кетаман. Кимгадир фойдамиз тегиши ҳаётдаги энг катта ютуғимиз эмасми?!

«Маҳалла» телеканалда намойиш этилаётган «Тақдирлар» ҳаётини воқеалар асосида саҳналаштирилган кўрсатувлар тўпламини халқимиз яхши кутиб олди. Бундай лойиҳаларни яна давом эттириш ниятимиз бор.

– Ички ишлар органлари ходимлари қиёфасини акс эттирган ролларингиз ҳам талайгина. Ҳаётингизда шу соҳа вакиллари билан боғлиқ қизиқарли воқеалар бўлганми?

– Ўзбеклардек санъатни севадиган, қадрлайдиган, санъаткорларни ҳурмат қиладиган халқ дунёда жуда кам бўлса керак. Ички ишлар органлари ходимлари ҳам шу халқнинг вакили. Уларнинг образини яратиш жараёнида кўп мулоқотда бўлганман. Хизмат фаолиятлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилганман. Менимча, бу нарса муваффақият эшиги вазифасини ўтади.

Тирик жонмиз, баъзида хато қиламиз, йўл қоидаларини бузган пайтларимиз бўлади. Осойишталик посбонлари йўлларда қоидаларга риоя этишимизни алоҳида таъкидлашади. Уларнинг «Биз ҳам сизлар каби халқ хизматидамиз» деган сўзлари бизни руҳлантиради.

Юртимиз гўзаллигига, энг улғунемат – тинчлигимизга кўз тегмасин. Шу муқаддас неъматни асраш йўлида хизмат қиладиган юрт посбонларига омад ва муваффақият тилайман.

«Postda» муҳбири Шерзод АБДУСАМАДОВ суҳбатлашди.

✓ *В образовательных учреждениях МВД*

ЧЕСТЬ И ДОСТОИНСТВО

В Ташкентском академическом лицее № 2 МВД Республики Узбекистан состоялась встреча трех поколений, посвященная памяти бывшего директора образовательного учреждения подполковника Абдурахмона Пардиева.



Открывая встречу, директор лицея подполковник Ражаббой Отажонов отметил вклад старшего поколения в профессиональное становление молодежи, избравшей для себя делом жизни служение Родине. Он подчеркнул, что подполковник Абдурахмон Пардиев в течение многих лет плодотворно трудился на ниве подготовки специалистов для органов внутренних дел, являясь образцом верности

служебному и педагогическому долгу.

Абдурахмон Азизович Пардиев (1968–2020) пришел в органы правопорядка в 1989 году. Службу начал с должности сотрудника ППС. С 1990 по 1994 год обучался в Ташкентской высшей школе МВД (ныне – Академия), после окончания которой работал преподавателем кафедры уголовного права, заместителем начальника цикла юридических дис-

циплин Высших курсов по подготовке сержантского состава, заместителем начальника, начальником учебного отдела Высших курсов, старшим преподавателем цикла специальных дисциплин. В сентябре 2018 года подполковник А. Пардиев был назначен начальником Института повышения квалификации МВД, а в июне 2019 года – директором Ташкентского академического лицея № 2

МВД Республики Узбекистан.

Выступившие на мероприятии генерал-майор в отставке Хабибулла Хаджиматов, подполковник в отставке Жаббор Юсупов, полковники Алишер Абдуллаев, Олимжон Ахмедов, Сохибжон Казимов и другие отметили, что Абдурахмону Азизовичу были присущи качества, свойственные истинному наставнику, – профессионализм, глубокие знания, искренность и открытость.

– Он был высококвалифицированным специалистом, талантливым педагогом, – подчеркнул начальник кафедры Академии полковник Дилшод Пайзиев. – Особое внимание уделял широкому внедрению в учебно-образовательный процесс современных технологий, инновационных методов обучения. Его перу принадлежит ряд учебных пособий, статей по актуальным во-

просам уголовного права. При этом Абдурахмон Азизович видел свою задачу не только в формировании у юношей и девушек глубоких знаний, но и в воспитании у них политико-правовой культуры, правового сознания.

На встрече выступили выпускники лицея, ныне являющиеся курсантами Академии. Они отметили, что осознают ответственность, которая будет возложена на каждого из них по окончании образовательного учреждения, и готовы с честью служить, руководствуясь идеей «Преданно служить Родине и народу – наш высший долг!»

Радик ТУМПАРОВ,
корреспондент
«На посту».

Ташкентская область.



✓ *Лучшие в своем деле*

Упорство и целеустремленность – залог успеха

Житель Янгиарыкского района Фуркат Р. совершил кражу и сбежал от наказания. Следственная группа при РОВД тут же объявила его в розыск. В один из дней майор Хурмат Жуманиязов получил сообщение о том, что «беглец» появился в махалле Баёт, и поехал по указанному адресу. Он установил наблюдение и через время заметил Фурката перед остановкой, на главной дороге. Х. Жуманиязов поспешил в сторону «беглеца», но тот увидел сотрудника и стал убегать через хлопковые поля. Майор сел в машину, пересек поле, перекрыл путь злоумышленнику и задержал его. За добросовестное отношение к исполнению служебных обязанностей и активность, проявленную при поимке разыскиваемого лица, Хурмат Жуманиязов был поощрен начальником ОВД Янгиарыкского района.

Герой нашего повествования начал службу в отделе охраны при ОВД Хивинского района. После пяти лет ответственной работы был переведен на должность командира отряда в Управление охраны при ОВД Хазараспского района. Особое внимание уделял обеспечению безопасности охраняемых территорий, контролю за служебной деятель-


ностью подчиненных, повышению их профессионального и боевого мастерства. Сотрудники отряда, которыми он командовал, добились эффективных результатов в борьбе с кражами.

Х. Жуманиязов продолжил службу инспектором профилактики в ОВД Хивинского и Янгиарыкского районов.

В настоящее время майор Хурмат Жуманиязов занимает должность начальника ОПП СОБ ОВД Янгиарыкского района. Помимо эффективной организации служебной деятельности инспекторов профилактики, он особое внимание уделяет раннему предупреждению преступлений и правонарушений.

– У Хурмата Жуманиязова много учеников, которым он постоянно помогает дельными советами и добрым словом, – говорит заместитель начальника ОВД Янгиарыкского района подполковник Максудбек Аллаберганов.

Худойберган ЖАББОРОВ,
корреспондент «Postda».
Хорезмская область.



Инсон қадри учун

ИЖТИМОЙ ФОЙДАЛИ МЕХНАТ

Озодликдан маҳрум қилинганларни қайта тарбиялаб, буткул тузалиш йўлига ўтишлари учун онгига миллий истиқлол ғояси, эл-юртга муҳаббат, инсоф-адолат, меҳр-мурувват каби инсоний фазилатлар, қонунларга ҳурмат туйғуси сингдириб бориляпти. Шу боис ҳам уларнинг оилага, жамиятга бўлган муносабати ижобий томонга ўзгаришти, меҳнат ҳамда касбга лаёқати ошяпти.

Когон туманида жойлашган 1-сонли ЖИЭК умумий тартибда жазо муддатини ўтаётганларга мўлжалланган.

Бу ерда маҳкумлар қайта тарбияланиш билан бир қаторда, касб-хунар ҳам ўрганишмоқда. Айниқса, «устоз-шогирд» мактаби йўлга қўйилгани самарали бўляпти. Ишлаб чиқариш корхонасида асосан 10 та цех фаолият кўрсатади. Маҳкумлар эгаллаган касб-хунарларини жазо муддатларини ўтаб бўлгандан кейин ҳам давом эттиришлари учун сертификатлар топширилмоқда. Ишлаб чиқариш корхонасидан ўртача 900 минг сўм маош олишади ва бу маошларини ойма-ой оила аъзоларига юборишади.

– Яқинда катта бир лойиҳани амалга оширдик, – дейди ЖИЭД Олтинчи минтақавий худуд

ди. Бу майдондан 1 ва 17-сонли ЖИЭКнинг бюджетдан ташқари ишлаб чиқариш корхоналари фойдаланади. Бунинг эвазига маҳкумларнинг ижтимоий фойдали меҳнат билан бандлиги тўлиқ

мақсадида доимий равишда иш олиб борилмоқда. Уларнинг спорт билан шуғулланиши яхши йўлга қўйилган.

Муассаса кутубхонасида эса ўзлари ёқтирган мавзудаги китобларни мутулаа қилишади.



Минтақавий мувофиқлаштириш маркази Ишлаб чиқариш фаолиятини мувофиқлаштириш гуруҳи катта мутахассиси, катта лейтенант Ўктам Шарипов. – Қоровулбозор туманининг Жарқоқ худудидан 10 гектар оҳақ тоши қазиб олиш майдони ажратил-

таъминланади. Шунингдек, улар давлат ва фуқароларга етказган зарарларини қоплашга ҳамда оиласини моддий томонлама қўллаб-қувватлашга кўмаклашиши учун ташкил қилинди.

Муассасада маҳкумларнинг яшаш шароитларини яхшилаш

Яқинда «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» муносабати билан жазо муддатини ўтаётган махсус контингент ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда қонунларга киритилаётган қўшимча ва ўзгартишларнинг туб моҳиятини етказиш мақсадида «Озодликдаги бир куним» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда Когон тумани «Ҳожа Қабул Ақбар Вали» жомеъ масжиди имом хатиби Ҳ.Одилов, Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари М.Мубинова, Когон ва Қоровулбозор туманлараро ижтимоий кўникма маркази раҳбари Д.Пўлатова ҳамда Олтинчи МҲ МММ масъул ходимлари иштирок этишди. Улар кун тартибидаги мавзу юзасидан ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини йиғилганлар эътиборига етказдилар.

Мирзоқул АҲАДОВ,
«Postda» мухбири.

Бухоро вилояти.

Иккинчи истеъдод



ЭЪЗОЗЛАГАН ХАЛҚИМДИР ВАТАН!

*Ватан не деб сўрасанг мендан,
Бир сўз билан айта олмайман.
Дунёларни таърифлайдиган
Уч-тўрт сўзга сиғдирилмайман.*

*Ватан отам, Ватан онамдир,
Шодон кулиб турган боламдир.
Бир сўздир бу маъноси бисёр,
Ҳар бир ҳарфи бутун оламдир.*

*Муҳаббатга якка муносиб,
Таъриф бериб бўлмайди ёзиб,
Илож топсам бағримга босиб,
Эъзозлаган халқимдир Ватан!*

*Агар севиш бир гуноҳ бўлса,
Гуноҳқорман, олмоқ керак тан.
Сен қаерда бахтга эришсанг,
Ўша ернинг ўзидир Ватан!*

Бу мисралар ИИБ Ҳарбий тузилмалар фаолиятини таъминлаш базаси озик-овқат ва кийим-кечак таъминоти бўлинмаси омборхона бошлиғи, кичик сержант Сардор Абдурахимовнинг қалб кўридан отилиб чиққан ижод намуналаридан бирidir.

Ёшлигидан ҳозирги замон ўзбек адабиётининг дарғалари бўлмиш Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов шеърятига ҳавас қилган Сардор она Ватан, меҳр-муҳаббат ва истиқлолни тараннум этувчи шеърлар ёзмоқда. Хизматдан бўш пайтларида ўз устида тинимсиз изланиб, ижодини янада бойитиш йўлида бор маҳоратини намойиш этаётир.

Ўз мухбиримиз.

Терговни билимдонлар олиб боради

ҲАҚИҚАТНИ ОШКОР ҚИЛИШ – АСОСИЙ ВАЗИФАМ – дейди капитан Нозимжон Истамов

ИИБ Академиясини муваффақиятли тамомлаб, илк фаолиятини Янгийўл шаҳри ИИБ ҳузуридаги тергов бўлими суриштирувчиси лавозимида бошлаган Нозимжон Истамовга ҳозирда Янгийўл шаҳар ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлинмаси бошлиғи, подполковник Жаҳонгир Остонов устозлик қилди. Бугунги кунда мазкур бўлинма катта терговчиси лавозимида фаолият кўрсатаётган капитан Н. Истамов жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда ўзининг ташаббускорлиги ва уddaбуронлиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда. 200 дан ортиқ жиноят ишларини тергов қилиб, суд органларига юборган ходим юритувида бўлган жиноят ишларининг қайта терговга жўнатилмаганлиги ҳам терговчининг ўз ишининг устаси эканлигидан далолатдир.

– Ҳақиқатни қарор топтириш менинг асосий вазифамдир, – дейди у. – Шу боис ўзим олиб бораётган тергов жараёнларига адолат нуқтаи назаридан ёндашиб, айбдорга

нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлашга астойдил ҳаракат қиламан.

Зиммасидаги масъулиятни теран англаган лавҳамиз қахрамони тер-



гов сифатининг ривожига ҳам муносиб ҳиссасини қўшиб, ҳозиргача

мамлакатимизнинг турли нашрларида соҳага оид 30 га яқин илмий ва публицистик мақолалар чоп этди.

Тиниб-тинчимас Нозимжон Истамов хизматдан бўш пайтларида спортнинг волейбол ва футбол турлари билан мунтазам шуғулланади. Шунингдек, Ўткир Ҳошимов ва Тоҳир Малик каби ижодкорлар асарларини мутулаа қилишни канда қилмайдиган жонкуяр ходим оилада ҳам ўз ўрнига эга. Ҳозирда у турмуш ўртоғи Соҳиба билан Исламжон исмли фарзандини тарбиялаб келмоқда.

Ўз мухбиримиз.

Тошкент вилояти.



Ўқини тавсия қиламан

АЛАМУ ИЗТИРОБЛАР, ҚУВОНЧУ КҮЗЁШЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Шоир ва ёзувчилар нафақат нодир истеъдодлари, ёзган асарлари билан балки ҳар томонлама башариятга намуна бўлмоғи лозим экан. Ана шундагина халқ меҳрини қозонади, йиллар, асрлар ўтса-да, номи абадиятга муҳрланади. Халқимизнинг ардоқли ёзувчиси Саид Аҳмаднинг «Йўқотганларим ва топганларим» асарини ўқирканман, биринчи навбатда, ана шундай фикрлар ҳаёлимдан ўтди.

Асарни ўқиркансиз, халқимиз юрагидан жой олган улғу ижодкорларимизга қилинган ноҳақликлар сизнинг ҳам дилингизни ўртайдди. Адабиётимиз тақдири адабиётга алоқаси бўлмаган кимсаларга боғлиқ бўлганидан ўкинаси.

Бу шундай китобки, сизга яқин ўтмиш адабиётимизнинг қувончу қайғуси, хурсандчилик ва аламу изтироблари ҳақида бирдай ҳикоя қилади.

Бу шундай китобки, улғу шоир ва ёзувчиларимиз босиб ўтган шонли ва матонатли ҳаёт йўлидан сизни ҳам юришга ундайди. Асар қаҳрамонлари билан бирга кулиб, бирга йиғлайсиз, гоҳида юксакликда бўлсангиз, кўз очиб юмгунингизча тубсиз жар тагида эканлигингизни кўриб кўрқиб кетасиз.

Бу шундай китобки, сизни қаноатга ундайди. Бу дунёнинг ноз-неъматга тўла дастурхони сизда ортиқча ҳавас уйғотмай қўяди. Она Ватанимиз истиқболи, эртаси бугундан ҳам яхши бўлиши учун нимадир қилишга даъват этади. Ватанни, халқимизни севишга, одамларга ёрдам беришга чақиради.

Китоб уч бобдан иборат. «Йўқотганларим»да Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Шухрат, Саида Зуннунова ва бошқа бир қатор номдор шоир-ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, уларнинг қийинчилик ва машаққатларга саботи, ҳаммада ҳам бўлавермайдиган юксак инсо-

ний фазилатлари билан яқиндан танишишингиз мумкин.

«Топганларим» бобида Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Тоғай Мурод, Носир Фозилов, Мақсуд Қориев каби ижодкорлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобнинг сўнгги – «Бағримни ўртаган аламлар» бобида Саид Аҳмаднинг ҳаёти ва фаолияти, баъзи асарларининг ёзилиш тарихидан бохабар бўласиз. Шунингдек, таниқли журналист Қулмон Очиловнинг адиби билан суҳбати ҳам сизни бефарқ қолдирмайди.

«Йўқотганларим ва топганларим»да «Қутлуғ қон», «Навой» ва бошқа кўплаб бир-бирдан гўзал асарлар муаллифи Мусо Тошмуҳаммад ўғли билан юзлашасиз. Муаллиф улкан масъулиятни зиммасига оларкан, Ойбекдай улғу даҳо, унинг ҳаёт йўли ҳақида муносиб гапларни ёза олармиканман, деган хавотирли саволни ўзига беради.

Мутолаа жараёнида Саид Аҳмад бу асарни устозлари тавсиясига биноан ёзганини англайсиз. Сизу бизнинг ҳаётга, юртга, адабиётга муҳаббатимиз ошиши йўлида бир дастуриламал бўлиши учун ёзганига шохид бўласиз...

Болалари билан тор уйда яша-



ган Ойбекка уюшма томонидан уч хонали уй беришгандан қувониб кетасиз. Юқларини янги уйнинг ҳовлисига туширган адибга бу уйда яшаш насиб қилмагани, «буржуа миллатчиси» сифатида уюшмадан ўчирилган Ойбекка уйнинг калити берилмагани, юқларини қайтариб олиб кетганидан даҳшатга тушасиз...

Асарни ўқирканмиз, улғу замондошларимиз, аждоқларимизнинг ибратли ҳаёт йўлидан уққанларимиз бизга бир умр одамийликдан сабоқ беришига ишонгимиз келади...

Муаллиф Зарифахонимни

Соҳибқироннинг содиқ рафиқаси ва доно кенгашчиси Сароймулкхоним, Амир Умархоннинг умр йўлдоши, беназир маслаҳатчиси Моҳларойим, қозоқнинг тенгсиз шоири Абайнинг севгилиси, илҳом париси бўлиб, уни

ижодга ундаган Айгерим (Ўзбекчада Ойқарам)ларнинг бири сифатида таърифлайди. Фикри ожизимизча, Ойбекнинг шахсий котибаси, хонадон соҳибаси, бориға қаноат қилувчи, бугунги тасаввуримизга сиғмайдиган даражада сабр-бардош тимсоли бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати, профессор Зарифа Саидносирова уларнинг барчасидан анча устунроқдир...

Саид Аҳмаднинг замондош ижодкорлар ҳақида сўз юритганда, уларнинг асарлари, яратган қаҳрамонлари, тасвирланган воқеаларга ҳам фикрини билдириб ўтиши китобнинг жозибасини янада оширади. Масалан, асарнинг «Топганларим» бўлимидаги «Тоғай Мурод кўшиқлари»да Тоғай Муроднинг отни тасвирлашдан бир парча келтирар экан, «Дом»да яшаб умрини ўтказган шаҳарликларни ўйладим. Инсон боласининг узогини яқин, мушкулени осон қилган бу жониворни фақат циркда, кинода кўрган шаҳарлик укаларимизга адибнинг бу сўзлари қанчалик таъсир қилишини биламан. Шаҳар болаларининг табиатдан, жониворлардан қанчалик узоқлашиб қолганликларига ачинаман».

Баъзи асарлар тўғрисида гап кетганда, китобхон унинг «бир нафасда» ўқилиши ҳақида завқ-шавқ билан ҳикоя қилади. Аммо «Йўқотганларим ва топганларим»ни «бир нафасда» ўқиб бўлмайди. Мутолаага киришаркансиз, Ватанини, халқини ҳеч бир тамасиз, жонидан ортиқ кўрган улғу замондош алломаларимиз ҳаёти сизни асло бефарқ қолдирмайди. Ҳар бир бекатда узун тин олиб, ойнага қараганингизда, лабларини тишлаганча, аламу изтиробларга қоришиб кетган китобхон кўзёшларини кўрасиз.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,
«Postda» мухбири.

Китобдан парчалар

Абдулла Қаҳҳор қаҳри қаттиқ, меҳри юмшоқ устоз эди. Ижодга бепарво шогирдларини аямай саваларди. Илҳомсиз, завқсиз асар ёзган катта ёзувчимиз, бошловчи ёзувчимиз, барибир унинг қамчисидан бенасиб қолмасди.

Биз адабиёт дарсини Фафур Фулом билан Абдулла Қаҳҳор хонадониди, Миртемир билан Ғайратий тўғарақларида олганмиз.

Абдулла Қаҳҳор икки жиҳати билан бошқа ижодкорлардан ажралиб туради.

Биринчидан, у ҳеч қачон замонасозлик қилмади. Оқни қора, қорани оқ, демади. Бошига болта келганда ҳам ростини ёзди.

Иккинчидан, у партияга ялтоқланмади. Адабиётнинг партиявий бўлишини тан олмади.

«Қаҳҳорнинг даври энди келди», деган гаплар тўғри эмас. У ўша турғунлик йилларида, цензура қиличини қайраган, ГПУ мамлакатни даҳшатга солган, партия у ёққа эмас, бу ёққа юр, деб турган пайтда сув ва ҳаводек зарур эди. У бугунги мустақиллигимиз уруғини сочиш учун қаҳҳорлар керак пайтида яшади.

Мустақиллик ўқ отилмай, қон тўкилмай қўлга киритилди, дегувчилар хато қилдилар. Ахир шу мустақиллик учун юз қирқ йилдан бери асл фарзандларимизнинг қони тўкилди-ку! Мустақиллик қонлар эвазига, жонлар эвазига келди.

Саид Аҳмад

ЙЎҚОТГАНЛАРИМ ВА ТОПГАНЛАРИМ



Ўтмиш еттинчи йилнинг баҳори эди. Март ойининг ўрталарида ўрик гуллади. Ҳовлимиздаги ўрикнинг гуллаган шохидан синдириб олдим. Гилос тагидаги бўйрадеккина жойга гунафша эккан эдик. У ҳам ҳовлининг бир четига сиёҳ тўкилгандек бўлиб турибди. Бир даста қилиб териб олдим-да, янгигина босмадан чиққан «Танланган

асарлар»ининг иккинчи томи билан қўшиб, Саидахонни кўргани касалхонага бордим.

У аввал босмахона бўёқларининг ҳиди келиб турган иккинчи томни шошилмай варақлади. Кейин гунафшани ҳидлади. Ундан кейин ўрик гулига қаради.

– Ҳовлимиздаги ўригимизнинг гулими? – деб сўради.

– Ҳа, – дедим бош ирғаб. Кейин у:

– Марғубаларнинг эшиги олдидаги жийда ҳали гуллагани йўқми? – деб сўради.

– Яна бир ойлardan кейин гуллайди, – деб жавоб бердим.

– Мен йўғимда гуллаб қўймасмикин, деб ўйлаб ўтирган эдим. Хайрият гуллаганда уйда бўларканман...

Йўқ. Жийда гуллаганда Саидахон йўқ эди.

Саидахон бизни ташлаб кетганидан бир ой ўтиб ўша жийда қийғос гуллади. Чамандек гуллаган шохидан синдириб қабрига обордим. Яна битта шохини сурати олдиға қўйдим.



40 YOSHDAN KEYIN OZISH UCHUN YETTI QOIDA

Taom iste'molida shoshilmaslik, muntazamlilik va me'yor saqlay bilish tananing ko'rkam va salomat bo'lishini ta'minlashga xizmat qiluvchi uch jihatdir. Ma'lumki, bu yoshdan keyin metabolizm sekinlashadi, mushak massasi ulushi kamayadi va natijada ortiqcha vazn to'planib, ozish tobora qiyin kechadi. Lekin oddiy qoidalarga amal qilinsa, har qanday yoshda ham semirishning oldini olish mumkin.

QAHVADAN VOZ KECHING

Kuniga bir-ikki finjon qahva ichish nafaqat salomatlik, balki qomat uchun ham foydali: kofein moddalar almashinuvini yaxshilashga yordam berib, odam organizmida hatto hordiq chog'ida ham kaloriyalarda parchalanishi davom etadi. Lekin bu jihatlar faqat qora qahva, ya'ni shakar va sut qo'shilmagan ko'rinishdagi ichimlik uchun xos. Shakar miqdori ko'p qahvali ichimlikda xuddi katta shirinlik bo'lagida bo'lgani kabi, kaloriya bisyor bo'lib, bu vazn ortishiga yo'l ochadi. Bundan tashqari, u qonda qand miqdori keskin oshishi va salomatlik yomonlashishiga sabab bo'lishi mumkin.

SPIRTLI ICHIMLIKLAR ISTE'MOLINI CHEKLANG

Buning o'rniga har kuni belgilangan miqdorda suv ichishga ahamiyat qaratilgani. Chunki alkogol nafaqat «bo'sh» kaloriya, balki yog'li va zararli gazaklar demakdir.

STRESS HOLATIDA O'ZINGIZNI QO'LGA OLISHNI O'RGANING

Ruhiy iztirob paytida qonga so'riladigan kortizol gormoni hazm jarayoni va moddalar almashinuviga ta'sir ko'rsatadi. Odam stressni qanchalik uzoq his etsa, mahsulotlar shuncha ko'p zararli shaklda hazm bo'ladi va metabolizm shunchalik sekin ishlaydi. Tinchlanish, xotirjam tortish uchun



o'z uslubingizni shakllantiring va buni amalda qo'llang. Negaki stress nafaqat vazn ortishiga olib keladi, balki salomatlik uchun juda zararlidir.

SPORT BILAN SHUG'ULLANING

Buning uchun sportzal yoki basseyn-ga qatnash shart emas. Sog'liq uchun foydali mashqlarni uy sharoitida, tabiat qo'ynida va hatto ish joyida ham bajarish mumkin. Shunchaki bunga qunt qilib, alohida vaqt ajratish va muntazam amalga oshirish yetarli.

OQSILLI MAHSULOTLAR YEYISHGA HARAKAT QILING

Chunki oqsil to'qlik hissini saqlashga yordam beradi va shu orqali or-

tiqcha iste'molga o'rin qoldirmaydi. Bu bir oy ichida osongina ozishga ko'maklashadigan juda oddiy tavsiyadir.

ORGANIZMNI KO'PROQ D VITAMINI BILAN TA'MINLANG

Ushbu o'ta foydali vitaminning manbai yegulik (sut mahsulotlari, yog'li baliq, tuxum va dengiz mahsulotlari) hamda quyosh nuri bo'lishi mumkin. D vitamini inson tanasi uchun asosiy foydali modda bo'lib, metabolizm tezligi to'g'ridan-to'g'ri unga bog'liq. Agar u taomnomangizda yetarli miqdorda bo'lmasa, modda almashinuvini ham muqarrar sekinlashadi.

KO'PROQ SUT ICHING

Ba'zi tadqiqotlar kalsiy yetishmovchiligi modda almashinuvini tezligiga salbiy ta'sir qilishini ko'rsatadi. Har kuni tvorog, yogurt yeyishni, sut ichishni odat qiling. Aynan sut yog'lari organizmga ortiqcha kaloriyalarni energiya ko'rinishida qayta ishlashga yordam beradi, shuningdek, boshqa mahsulotlar tarkibida kelib tushadigan zararli yog'lardan himoya qiladi.

Gulchehra AZIMOVA
tayyorladi.

КАК ПОНИЗИТЬ ДАВЛЕНИЕ

Повышенное давление называют тихим убийцей, так как гипертония часто не имеет ярко выраженных симптомов, но резко повышает риск развития сердечно-сосудистых заболеваний и инсульта.

В домашних условиях

С жалобами на гипертонию нужно обязательно идти к терапевту. В зависимости от уровня давления, вашего образа жизни и прочих факторов врач подберет индивидуальный план профилактики и лечения, назначит лекарства, которые помогут привести показатели к нормальному уровню. Но если по каким-то причинам до терапевта вы еще не дошли, вот несколько способов, которые помогут понизить давление. Выбирайте тот, который кажется вам более комфортным, или комбинируйте несколько, чтобы достичь максимального эффекта.

Сделайте несколько глубоких вдохов

Правильное глубокое дыхание – один из самых эффективных способов быстро снизить давление в сосудах. Это



происходит потому, что приток крови ко всем тканям вашего тела, включая конечности, увеличивается.

Расслабьтесь, прикройте глаза. Сделайте глубокий вдох, считая до 5. Вдыхайте не грудью, а животом. Для контроля положите на него руку: вы должны чувствовать, как он поднимается. Затем сделайте выдох снова на 5 счетов.

Повторяйте 3–5 минут. Можно попробовать задерживать дыхание после выдоха на 8–10 секунд – выбирайте тот вариант упражнения, который кажется вам более комфортным.

Сделайте горячую ванночку

Налейте в тазик воду температурой около 45 °С и погрузите в нее руки или ноги на 10 минут. Горячая вода заставит расши-

риться сосуды в конечностях, к ним прильет кровь, и высокое давление несколько снизится.

Выпейте теплый чай с мятой

Если у вас нет аллергии, заварите щепотку мятных листьев кипятком на 10 минут, дайте остыть и выпейте чай медленными глотками. В таком виде перечная мята может снизить артериальное давление. Но помните: мята усиливает действие препаратов от высокого давления. Будьте осторожны.

Примите валерьянку

Валериана – мощное успокоительное, которое помогает организму справиться со стрессом. Благодаря ей сердце начнет биться спокойнее, артериальное давление снизится. При приеме не превышайте дозу, указанную в инструкции!

Влияние образа жизни

На уровень давления огромное влияние оказывает образ жизни. Достаточно изменить его в здоровую сторону, и гипертония либо отступит вовсе, либо ваша потребность в лекарствах существенно уменьшится.

Избавьтесь от лишнего веса. Каждый потерянный килограмм снизит ваше давление примерно на 1 пункт.

Регулярно тренируйтесь. Ваш выбор – аэробные упражнения: долгие прогулки, бег трусцой, езда на велосипеде, плавание, танцы. Посвящайте этим занятиям не менее 30 минут в день. Вам удастся снизить давление еще на 5–8 пунктов.

Ешьте здоровую пищу. Больше фруктов, овощей, зерновых (каш), меньше жиров, полуфабрикатов, выпечки.

Сократите количество соли в рационе. Это поможет понизить давление на 5–6 пунктов. Рекомендуется употреблять не более 5 г соли в день, а это меньше чайной ложки!

Пейте меньше кофе. У некоторых людей кофеин вызывает рост артериального давления. Если вы относитесь к данной категории (проверьте: измерьте давление до кофе-брейка и через 30 минут после него и сравните показатели), от напитка лучше отказаться.

Старайтесь не нервничать. Хронический стресс – один из основных провокаторов гипертонии.

Домашний мониторинг поможет лучше понять, какие изменения в образе жизни работают, а какие – малоэффективны. Контролируйте давление дома и регулярно консультируйтесь с врачом.



Гиёҳвандлик – иллат

Бойимокчи Бўлган Боймурод

«Меҳнат қилсанг яшарсан, катта-катта ошарсан», дейилган ўзбек халқ мақолларидан бирида. Аммо **Боймурод Ортиқов** (исм-шарифлар ўзгартирилди) меҳнат қилишни хушламас, шу боис ҳам топгани рўзгорга аранг етарди. Кунда-кунора хотини «у нарса қолмади, бу нарса йўқ», деб нолигани-нолиган эди. Ҳалиям маҳалладан моддий ёрдам пули олиб турибди. Бўлмаса...

Боймуродни отаси ҳеч кимдан кам қилмай ўстирди, ўқитди. Олий маълумотли муҳандис бўлди. Лекин қирққа ҳам кирмай, ўнга яқин ташкилотда ишлади. Бирортасида тўрт ё беш ойдан ошиқ ишлай олмади. Ота-онаси сўраса: «Маоши кам, иши кўп», дея алдаб келарди. Энг ёмони, қинғирлик кўчасига оралаб қолгани ва икки мартаба судлангани эди. Биринчисида бировнинг мулкига кўз олайтиргани, кейин-

гисиди гиёҳвандлик воситасига оид жиноят содир этганлиги сабаб судланди.

Биринчи сафар амнистия туфайли жазодан озод қилинган бўлса, иккинчисида судланганлик ҳолати тугалланди. У эса бундай инсонпарварлик тамойилини суистеъмол қилди. Меҳнат қилмасдан бойишни кўзлаб, ноқонуний ишларга қўл урди, оғу олди-сотдисига аралашиб қолди. Бундан хабар

топган ички ишлар органлари ходимлари уни кузатувга олишди. Шундан сўнг вилоят ва туман ИИБ ЖҚБ тезкор вакиллари тезкор тадбир ўтказишни режалаштиришди.

Шундай қилиб, **Боймурод** шаффоф рангли полимер халтачага солинган, соф вазни 0,27 грамм ва фольга қоғозига ўралган 0,015 граммга тенг миқдордаги «пирролидиновалерофенон» гиёҳвандлик воситасини қонунга хилоф равишда сотаётган пайтда қўлга олинди. Бундан ташқари, Когон тумани ҳудудида ўтказилган навбатдаги тезкор тадбирда **Боймуроддан** соф вазни 0,51 грамм бўлган кўп миқдордаги «пирролидиновалерофенон» гиёҳвандлик воситаси ҳам топилиб, қонунга хилоф равишда сақлаб келаётганлиги аниқланди.

Жиноят ишлари бўйича Когон тумани судининг ҳукмига кўра, **Б.Ортиқовнинг** ноқонуний ҳаракатларига яраша жазо тайинланиб, у 7 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Қосим ХОЛОВ,
Мирзоқул АҲАДОВ.**

Бухоро вилояти.

Одам савдоси – оғир жиноят

...Тўкин дастурхон атрофига йиғилган аёллардан бири **тортинибгина хонага кириб келган Насиба** (исмлар ўзгартирилди)ни меҳмонхона тўрида ўтирган **Ирода** опанинг ёнига ўтиришни таклиф қилди. Бу аёлнинг шоҳона кийиниши, зебу зийнати, ширингина муомаласи уни бир зумда сеҳрлаб қўйди. Аёл қайтар чоғида манзили ва телефон рақами ёзилган қоғозчани **Насибанинг** қўлига тутқазди.

– Жуда ёқимтой киз экансиз, – деди **Ирода** **Насиба** билан хайрлашаркан. – Энди бир умрлик опа-сингил бўлиб қолдик. Бирор ёрдам керак бўлиб қолса, ҳеч тортинмасдан уйимга ўтаверинг.

Насиба шу кундан бошлаб **Ирода** опа билан тез-тез телефон орқали гаплашиб турадиган бўлди. Аёлнинг ширин сўзи, меҳрибонлиги гўё унинг ўксик қалбига малҳам бўлаётгандек эди. Хуллас, ота-онаси билан келишолмай юрган **Насиба** **Ирода** опанинг уйига кўчиб ўтди. Доимий сирдошига айланиб улгурган хонадон соҳибаси уни кучоқ очиб кутиб олди. Энди у кўпгина аёллар ҳавас билан қарайдиган иззат-талаб аёлнинг яқин дўстига айланди. Ҳар куни тонг сахаргача давом этадиган меҳмондорчилик, кўнглихушлик, эркакларнинг

НАСИБАНИНГ «НАСИБА»СИ

«иззат-икром» кўрсатиши **Насибага** жуда ёқарди.

Бир куни **Ирода** опа уни тунги клубга олиб борди. Ярим тунгача давом этган ўйин-кулги, маишатбозлик унга жуда ёқди. Буни пайқаган **Ирода** опа қизни тунги клубга раққоса қилиб ишга жойлаштирди. **Насиба** пул топиш учун ярим-яланғоч рақсга тушар, пулдор йигитларни ўзига ром қилишга ҳаракат қиларди. Хуллас, кўп ўтмай **Насиба** ҳомиладор эканини билиб қолди. Саросимага тушиб, ҳомиладан қутулиш йўлларини излай бошлади. Аммо шифокорлар ҳомирани олиб ташлашнинг иложи йўқлигини айтишди.

Орадан бир неча ой ўтгач, **Насиба** фарзандлик бўлди. Энди у тунги клубга боролмас, кунини фарзанди билан ўтказишга мажбур эди. Шу сабабми ёки моддий томондан қийналганиданми, **Ирода** опага фарзандини хари-

катъийлигини сезган **Малика** ички ишлар органига мурожаат қилди. Эртасига **Малика** фарзанд асраб олмоқчи бўлган аёлни унга таништирди. Ҳали икки ойлик ҳам бўлмаган чақалоқ 10 минг АҚШ долларига баҳоланди. Шу куни вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ЖҚ ва ТЭҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда **Насиба** Урганч темирйўл вокзалида тадбирга жалб қилинган шартли харидордан 9 минг 200 АҚШ долларини олган пайтида қўлга олинди.

Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини англаб етмаган **Насиба** бир оиланинг бахтли соҳибаси, шириндан-шакар фарзандларнинг меҳрибон онаси бўлиши мумкин эди. Бироқ у бундай бахтдан енгил-елпи ҳаёт кечиришни, мол-дунёни устун қўйди ва одам савдосидек оғир жиноятга қўл урди. Афсус, минг афсус....

Эртасига **Насиба** яна унга кўнғироқ қилиб, харидор топишда ёрдам беришини, хизматига яхшигина ҳақ тўлашини айтди. Унинг қарори

қатъийлигини сезган **Малика** ички ишлар органига мурожаат қилди. Эртасига **Малика** фарзанд асраб олмоқчи бўлган аёлни унга таништирди. Ҳали икки ойлик ҳам бўлмаган чақалоқ 10 минг АҚШ долларига баҳоланди. Шу куни вилоят ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ЖҚ ва ТЭҚБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда **Насиба** Урганч темирйўл вокзалида тадбирга жалб қилинган шартли харидордан 9 минг 200 АҚШ долларини олган пайтида қўлга олинди.

Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини англаб етмаган **Насиба** бир оиланинг бахтли соҳибаси, шириндан-шакар фарзандларнинг меҳрибон онаси бўлиши мумкин эди. Бироқ у бундай бахтдан енгил-елпи ҳаёт кечиришни, мол-дунёни устун қўйди ва одам савдосидек оғир жиноятга қўл урди. Афсус, минг афсус....

**Шерзодбек АБДУЛЛАЕВ,
лейтенант.
Худойберган ЖАББОРОВ,
«Postda» мухбири.**

Хоразм вилояти.



Миннатдорлик

ВЕЛОСИПЕД ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Чилонзор туманидаги 20-мавзеда жойлашган 32А-уйда истиқомат қиламиз. Кунлардан бир кун кўшним Шаҳбоз Рўзиев иккимизнинг подъездда турган велосипедимизнинг кулфини бузиб ўғирлаб кетишди. Зудлик билан «102»га кўнғироқ қилдик. Тезда ҳудуд профилактика инспектори, тергов-тезкор гуруҳи ходимлари етиб келишди. Улар велосипед ўғрисининг изидан тушишди.

Буни қарангки, орадан унча кўп вақт ўтмай велосипедларимиз топилди. Ўғирлаган кимса **Х.Э.** бўлиб, аввалдан мана шундай жиноятларни қилиб келар экан. Уни қўлга олишда **Чилонзор тумани ИИОФМБ 4-ИИБ ЖҚБ** тезкор вакиллари, капитан **Ҳасан Тошпўлатов** ва лейтенант **Бегзод Мелиевларнинг** ҳиссаси катта бўлди.

Ходимлар видеокамера орқали ўғрининг изига тушишган. У велосипедларни «Фарҳод» бозоридаги олиб-сотарга ўтказгани маълум бўлган. Тезкор ходимлар олиб-сотарни топиб, у орқали **Х.Э.**ни қўлга олишди.

Шу ўринда мана шундай тинчлигимиз посбонлари борлигидан ғурурланиб кетасан киши. Велосипедларимизни тез орада топиб беришда жонбозлик кўрсатган ходимларга ва **Чилонзор тумани ИИОФМБ** раҳбариятига 20-мавзе 32А-уйда яшовчи фуқаролар номидан миннатдорлик билдирамиз.


Мирмуҳаммад ХАЛИЛОВ.
Тошкент шаҳри.

ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ҳамда Фахрийлар кенгаши ИИБ Академияси бошлиғининг илмий-адабий маслаҳатчиси, истеъфодаги генерал-лейтенант **Баҳодир Аҳмедович Матлюбовга** укаси

Акобир МАТЛЮБОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

УВЛЕКАТЕЛЬНАЯ ИСТОРИЯ

Заместитель начальника Следственного управления при МВД Республики Каракалпакстан подполковник Равшанбек Игамбердиев – один из многих стражей порядка, которые любят литературу и искусство, но один из немногих, кто занимается писательской деятельностью – сочиняет рассказы, в том числе и детективные. Недавно тиражом 1000 экземпляров вышла в свет его новая книга «Бахтсизлик маликаси».



Это простое и искреннее повествование о том, как героиня, Курбонгул, преодолевает выпавшие на ее долю тяжелые жизненные испытания, справляется с возникающими на ее пути препятствиями.

История увлекает настолько, что читатель не сможет расстаться с книгой, пока не дочитает ее до конца.

Произведение получило положительные отзывы со стороны членов Союза писателей Узбекистана. Надеемся, что сотрудники органов внутренних дел также оценят книгу.

Напомним, что «Бахтсизлик маликаси» («Принцесса несчастья») – третья книга автора. В свет уже выходили два сборника рассказов Равшанбека Игамбердиева – «Осмоннинг кўз ёшлари» («Слезы небес») и «Қасос» («Мечь»).

Азамат ПИРНИЯЗОВ,
корреспондент «На посту».

Республика Каракалпакстан.

ЗАГАДКА ДЛЯ ВНИМАТЕЛЬНЫХ

Инспектор вошел в ресторан и сразу же стал свидетелем жаркого спора.

– Вы ведь еще заказывали жареное мясо, – обращалась сердитая официантка к подвыпившему клиенту.

– Да не заказывал я никакого мяса! – возмущался клиент. – Зашел себе на пару часов в ресторан, стараюсь экономить, и на тебе!

– Вы пьяны и уже не помните, что заказывали за эти два часа, – продолжала сердиться официантка.

– Но зато вы хорошо знаете, что он не мог заказать это блюдо, – вмешался в разговор инспектор. – Прошу вас немедленно пройти со мной в участок!

Как инспектор догадался, что официантка обманула клиента?



ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 6 по 12 февраля)



Овен. В этот период может состояться знакомство с интересными людьми. Также это хорошее время для расширения кругозора, самообразования. Начните самостоятельно изучать то, что давно планировали, и сразу почувствуете информационную и иную поддержку своим начинаниям.



Телец. Желательно сосредоточиться на урегулировании финансовых вопросов. Удастся продвинуться в карьере, значительно увеличить уровень доходов. Появится возможность приобрести вещи, о которых вы давно мечтали. На выходных не рекомендуется давать друзьям и знакомым денег в займы.



Близнецы. Благоприятное время для расширения круга знакомств в социальных сетях и на форумах. Можно даже организовать встречу с теми, с кем давно общаетесь в интернете. На выходных воздержитесь от принятия важных решений, касающихся карьеры.



Рак. Сможете приоткрыть завесу тайны над какими-либо обстоятельствами, которые прежде были загадкой. Хорошее время для поиска истинных причин тех или иных событий. В конце недели воздержитесь от дальних поездок, проведите время в тишине, в кругу семьи или друзей.



Лев. Могут возникнуть недопонимания в семье. Не провоцируйте конфликт, держите себя в руках. Возможно, вас пригласят на торжественное мероприятие, не отказывайтесь. Между тем на выходных лучше воздержаться от посещения клубов и баров: с вами может произойти неприятная история.



Дева. Всерьез займитесь здоровьем. Здоровый образ жизни будет способствовать общему укреплению организма. Если вы хотите избавиться от вредных привычек, наилучшее время для этого – середина недели. В этот период у вас все может получиться на удивление легко и безболезненно.



Весы. Период будет наполнен приятными впечатлениями. Улучшатся отношения в семье. Дети станут радовать своими успехами и достижениями. На выходных стоит усилить защиту от вирусных инфекций, поскольку в эти дни ваш организм будет ослаблен, и потому уязвим.



Скорпион. Направьте все силы на благоустройство дома. Можно сделать перестановку мебели или небольшой косметический ремонт в одной из комнат. Сложатся добрые отношения с членами семьи и родственниками. Можно дружно проводить необходимые работы по дому. На выходных хорошо отдохните.



Стрелец. Усиливается потребность в общении. Используйте это время для примирения со знакомыми и родственниками, с которыми находитесь в ссоре. Вы почувствуете, как люди тянутся к вам. На выходных желательно посетить выставку, театральное представление или побывать в музее.



Козерог. Сейчас не время для развлечений, дело превыше всего. Безработные смогут найти интересную и высокооплачиваемую работу. Скорее всего, ваши доходы существенно возрастут, благодаря чему вы сможете позволить себе покупку мебели, бытовой техники или предметов интерьера, о которых давно мечтали.



Водолей. Пробудится мощный творческий импульс. Если вы человек увлеченный, то найдете занятие по душе и с головой в него погрузитесь. Замечательное время для коллекционирования. Женщины почувствуют сильное желание внести изменения в свою внешность.



Рыбы. Усилится потребность в спокойном образе жизни. Тем, кто не имеет возможности взять отпуск, стоит найти способ побыть в уединении, хотя бы в отдельной комнате. На выходные лучше не планировать никакой активности и больше времени отвести на восстановление сил.

«Кўнглингда нима бор – билмайман»

Эгиз қўшиқлар



Омон Матжоннинг минглаб қалбларга муҳрланган «Умр ўтар» шеърини кўпчилик санъаткорлар қўшиқ қилиб куйлашган. Айниқса, Отажон Худойшукуров, Ортиқ Отажонов ва Фуломжон Ёқубов талқинидаги ижролар халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллаган. Уларни ўз номи билан эгиз қўшиқлар, дейиш мумкин.

Худди шунингдек, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг «Кўнглингда нима бор – билмайман» шеъри билан айтилган қўшиқни ҳам эгиз қўшиқлар сирасига киритиш мумкин.

Бундан чорак аср муқаддам шу шеърни хушовоз хонанда Хуршид Расуловга Иқбол Мирзо қўшиқ қилиб айтинг, деб берган экан. Ўша пайтлар Х.Расулов ёш йигит бўлган. Халқимизнинг суюкли қўшиқчиси Охунжон Мадалиев ўзи автомобиль ҳайдамаслиги сабабли, Хуршид Расуловдан бир жойга бориб келишни илтимос қилади. Иккаласи йўлда кетаётиб, Хуршид Расулов шеърни ёддан ўқиб беради ва қўшиқ қилиб айтмоқчилигини билдиради. О.Мадалиев бироз жим бўлиб қолади, сўнгра Иқбол Мирзонинг шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этилганини кўриб қолиб, уларнинг ичидан айнан шу ашъорни қўшиқ қилганини маълум қилади. Шунда Х.Расулов: «Сиздан ўтказиб айтолмасам керак, устоз, мен бу шеърни қўшиқ қилмайман» дейди. Охунжон Мадалиевнинг бағрикенглигини қарангки, шогирдига шу шеърни албатта ўз талқинида куйлашини айтади.

Шеър Хуршид Расулов талқинида ҳам ёзилади. Лекин хонанда буни устозининг ҳурматини қилиб, ижро этмай юрган эди. Ўша пайтлар Ўзбекистон телеканалда узатиладиган «Ассалом, Ўзбекистон» дастурида «Эгиз қўшиқлар» саҳифаси бўлар эди. Охунжон Мадалиев ушбу дастурда Хуршид Расулов билан бирга шу қўшиқни ижро

этишни таклиф этган экан. Аммо эрта сўнган юлдуз Охунжон Мадалиевга бу насиб этмади.

Шундан кейин Хуршид Расулов ўз талқинидаги «Кўнглингда нима бор – билмайман» қўшиғини мухлис-ларга тақдим этади. Шу тариқа, халқимиз ардоғидаги икки санъаткорнинг эгиз қўшиғи хит даражасига етиб, сеvimли қўшиққа айланади.

**Тақдирга тан керак-ку, аммо,
Гоҳида ўзимга сиғмайман.
Кўнглимда бир тугун муаммо –
Кўнглингда нима бор – билмайман.**

**Биламан кипригинг ҳар бирин,
Чизаман кўзларинг тасвирин.
Вужудинг қўйнимда, асирим,
Кўнглингда нима бор – билмайман.**

**Биламан қайси ранг ёқишин,
Ногоҳинг айтади хоҳишинг.
Уйқумда танийман товушинг,
Кўнглингда нима бор – билмайман.**

**Биламан, лабингда болинг бор,
Зулфингда неча тор толанг бор.
Биламан, қаерда холинг бор,
Кўнглингда нима бор – билмайман.**

**Дилдорим дейинми, дилбарим,
Беҳуда юракни тилганим.
Бир пулдир дунёни билганим –
Кўнглингда нима бор – билмайман.**



Охунжон
Мадалиев
ижросидаги
қўшиқ видео
клипи.



Хуршид
Расулов
ижросидаги
қўшиқ видео
клипи.

Сарвар СОБИРОВ,
«Postda» муҳбири.

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган расм.

Ибрат

Бир пиёла чой

Хаёл қилинг: олдингизда бир пиёла чой турибди. Унга бир қошиқ шакар қўшинг. Лекин аралаштирманг. Ичиб кўринг-чи, шакарнинг мазаси чиқдимикан? Албатта, йўқ. Пиёлага бир оз боқиб туринг-да, сўнгра чойдан ҳўпланг. Қалай? Маза кирибдими? Менимча, йўқ.

Вақт ўтиб, чой совиб боряпти, бироқ сиз ҳали бирор ҳўплам ширин чой ичолганингиз йўқ. Бу туришда чой совиб, охири ҳеч ким ичгиси келмай ҳам қолади...

Ҳаёт ҳам шундай. У худди бир пиёла чой каbidир. Аллоҳнинг сизга берган ақл-заковати эса – шакар. Агар уни ишлатмас экансиз, шакарнинг мазасини билмайсиз.

Жалолиддин РУМИЙ.

Postda На посту

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

Sarvar SOBIROV
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –

Zokir BOLTAYEV
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –

Abu KENJAYEV
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari
bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



9 772010 535001

Tahririyat hisob raqami
2021000600447980001.

Bank kodi 01037.

ATB
«Qishloqqurilishbank»
Sergeli bank
xizmatlari ofisi.
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-
yozma va suratlar egasiga
qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosil-
ganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter
markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa
ijodiy uyi bosmaxonasida
chop etildi.

Korxonada manzili:
Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi
Prezidenti Administratsiyasi
huzuridagi Axborot va ommaviy
kommunikatsiyalar agentligi
tomonidan 2020-yil 13-yanvarda
0120-raqam bilan ro'yxatga
olingan.

Buyurtma №V-5392.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma
taboq. 50453 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,
Shota Rustaveli 1-berk
ko'chasi 9-uy.



www.postda.uz



t.me/postdarasmiy



www.facebook.com/postdauz



www.instagram.com/postda_uz